КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МАШИНА ТЕРИМИГА ЗЎР БЕРАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 241 (13.197).
14 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.



Кулиб боқиб турган бу қиз Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг пешқадам теримчиси, ВЛКСМ аъзоси Зайнабхон Синдоровадир. Чевар қиз ҳар бир иш кунини хирмонга 140-145 килограммдан пахта тўкиш билан якунламоқда. Суратда: ўртоқ З. Синдорова.

А. Тўраев фотоси.

МАШИНА ШАРОФАТИ

Колхозимиз маррага етди. Областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардик. 920 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 2600 тонна юқори сифатли пахта сотдик. Топширилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Колхозимиз аъзолари пахтачиликни механизациялаш ташаббусини Хоразмда биринчи бўлиб бошлаган эдилар. У яхши самара бераётир. Терим машиналаридан унумли фойдаланаётган пахтакорларимиз йиғим-теримни ҳар йили кам меҳнат ва кам маблағ сарфлаган ҳолда қисқа муддатда ўтказишга, ҳосилнинг асосий қисмини юқори сортларга топширишга муваффақ бўлмоқдалар.

Бу йил ҳосилнинг эрта етилганлиги, агрегатлар соз ремонт қилинганлиги, дефолиация сифатли ўтказилиб, далалар барвақт тайёрланганлиги терим машиналарини унумли ишлатиш имконини берди. 35 та «зангори кема» далаларда жавлон уриб, ҳозиргача бункерлардан 1400 тонна пахта тўкилди. Машина терими плани иккн баравар адо этилди.

Аввалги йилларда 6-7 та машина бир жойда группа бўлиб ишларди. Бу у қадар яхши самара бермади. Бу йил терим машиналарини 2-3 тадан қилиб бригадаларга биркитдик. Механик-ҳайдовчиларнинг ана шу бригада ҳосилдорлигидан моддий манфаатдорлиги оширилди.

Колхозимизда машина терими асосан 20 сентябрда, гўзаларнинг барги яхши тўкилиб, кўсакларнинг ярмидан кўпроғи очилгандан кейин бошланди. Ҳар куни 4,5-5 процент ва ундан оширнб пахта топширилди. Колхозимиз сентябрнинг охирги ўн куни ичида давлатга йиллик планнинг 50 процентн миқдорида пахта сотди. Бу — машинанинг шарофатидир. Ҳаэмма майдонгаги ҳосилни машиналарда йиғиштириб олган Р. Авазов, К. Тўраев, А. Мадраҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда пахта тайёрлаш йиллик планлари барвақт бажарилиб, ҳосилдорлик 35-40 центнерга етказилди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим даврида коммунист ва комсомолларнинг ташаббускорлигини оширди, механик-ҳайдовчилар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилди. Ҳар бир нормага 6 сўм 20 тийиндан иш ҳақи, нормани оширнб бажарганлик учун 20 процент устама ҳақ белгиланди.

Йиғим-терим даврида механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа кенг кулоч ёйди. Бу мусобақада Р. Отажонов, М. Эшжонов, Х. Қосимова, С. Раҳимов каби механик-ҳайдовчилар хирмонга 80-90 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Машина терими хўжалигимизга катта фойда келтирди. Биз бу йил ташқаридан ёрдамчи сўрамадик. Қишлоғимиз мактабларида ўқиш тўхтамади. Ўқувчилар, қариялар теримга тортилмади. Машина терилган 1400 тонна пахта учун атиги 700 иш куни сарфланди.

Бу йил хўжалигимиз пахтачиликдан катта даромад олаётир. Агар ўтган йили пахтадан ҳаммаси бўлиб 1 миллион 29 минг сўм даромад олган бўлсак, бу йил ҳозирнинг ўзидаёқ даромадимиз 1 миллион 100 минг сўмга яқинлашди. Бу йил ҳар иш кунига 3 сўм 20 тийиндан ҳақ тўлашни мўлжаллаётирмиз.

План тўлди. Лекин даламизда ҳали ҳосил кўп. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказамиз, 80 процент пахта машиналарда терилади.

И. ЖАББОРОВ,
Ҳазорасп районидаги комплекс механизациялашган «Коммуна» колхозининг раиси.

ЭКОНОМИСТ ШТУРВАЛДА

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ҲАҚИДА

ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

Бу воқеа ўтган йилнинг охирларида бўлган эди. Парпибой йиллик ҳисобот тайёрлар, ярим кечада хонада ёлғиз ўтириб олиб чўт қоқарди. Ташқарида қиш туғён урар, пағапаға қор ёғарди.

У ўйларди: мавсумда ўн битта терим агрегати ишлади. 749 тонна пахта машинада териб олинди. Натижада 20 минг 672 сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Йиллик ҳисобот бўлиб ўтди. Энди яхшилаб қордиқ чиқарадиган пайт келди. Лекин Парпибойнинг дам олишга иштёқи паст эди. «Мингбой ака билан гаплашишим керак, — дерди у ўзига-ўзи. — Раис тушунадиган одам, йўқ демайди».

Бир куни у раисга мақсадини айтди.

— Механизаторлик курсида ўқиб келсам нима дейсиз?

Мингбой ака Мамажонов ўйланиб қолди.

— Машинанинг шарофатини-ку кўриб турибмиз. Ишқибоз бўлмаган одам йўқ, лекин экономистликни ким қилади?

— Ҳамма томонини ўйлаб кўрдим, Мингбой ака. Ишга ҳалал бермайди. Ҳисоб-китобни кечаси қилсам ҳам бўлаверар экан. Мана, кўрарсиз, ишга зиёни тегмайди.

... Пахта қийғос очилган кунлардан бирида Парпибой «ХТ-1,2» машинаси билан эгат бошига келди. Ҳар қандай ишнинг ҳам бошланиши ҳаяжонли бўлади. У рулни маҳкам тутиб ўтирар, мотор гуруллар, унинг қалби ҳам ҳаяжон билан гупиллаб турарди.

— Қани, бошладик! — механик Шарофиддин Маматов моторнинг овозини босиб кетгудай баланд товушда ҳайқирди.

Парпибой педални оҳиста босди. Машина беозорсина силкинди-ю, эгат бўйлаб сузиб кетди. Парпибой бункерга қуюлиб тушаётган момиқ пахталарга қарабқараб қўяр, олис уфққа туташиб кетган карталарга суқланиб тикиларди.

У машинадан тушганида уфқ бир ёниб сўнган, қишлоққа оқшом чўккан эди. Парпибой уйга кириб, нариданбери овқатландида, идорага чиқди. Бугунги иш натижаларини кўздан кечира бошлади. Норбой Қорабоев билан Шерали Абдуллаев 6 тоннадан, Наби Тўхтаев беш ярим тонна, Аҳад Бойзоқов беш тонна. У табель орасида турган ўз фамилиясини кўриб, жилмайди: Парпибой Аҳмедов — 5 тонна.

Парпибойнинг ўзи экономист эмасми, хўжаликнинг ҳар кунги қадами унинг кўз ўнгида. Ўтган йили колхозда ўн битта терим агрегати ишлаган бўлса, бу йил 17 зангори кема далада жавлон урянти. Ҳозирнинг ўзидаёқ 700 тоннадан ортиқ кумуш толлар машинада терилиб олинди. Мавсум охиригача 1200 тонна пахта «пўлат от» эгатидан тўкилиши керак. Бу эса умумий ҳосилнинг 30 процентини ташкил этади. Хўжалик пахтакорлари 1350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганлар. Шу майдоннинг 650 гектари машина теримига ажратилган.

Парпибой шу улкан хирмонга ўзи қўшаётган ҳиссанинг ҳар куни кўпайиб бораётганини кўриб қувонади. Шу кунгача у 70 тонна пахта терди. Яна 50 тонна «оқ олтин»ни машинада йиғиб олишга ваъда берган.

Андижон область Москва районидаги «Москва» колхозининг экономисти Парпибой Аҳмедов механизатор бўлибди, юз тоннадан ошириб пахта терибди, дейишса ажабланманг. Ҳаёт оқимининг ўзи шундай қилишга олиб келяпти ҳозир.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎКА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бўка райони пахтакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Улар Ватан омборларига 60799 тонна «оқ олтин» топширнб, пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин шараф билан бажардилар.

Пахтани машиналар билан териб олишнинг ташаббускорлари бўлмиш бўкаликлар 33 минг тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар бункерларидан тўкдилар. Бу рақам 1964 йилнинг бутун мавсумидагидан 8000 тонна кўпдир. Район хўжаликларининг тадбирли ва мириштор пахтакорлари ҳосилнинг 96 процентини биринчи сортлар билан топширишга муваффақ бўлдилар.

Бўкаликлар яна 7500 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар.

ЧИРОҚЧИ ПАХТАСИ

Районимиз пахтакорлари етти йилликнинг охирги йилида мардонавор меҳнат қилдилар ва барча майдонда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Мана, бугун она-Ватан чироқчиликларнинг ғалаба рапортини қабул этди. 7.200 гектар майдондан давлат омборларига 16.900 тонна «оқ олтин» тўкилиб, йиллик пахта тайёрлаш плани муддатидан анча олдин адо этилди.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ бутун диққат-эътибор, куч ва имконият етиштирилган мўл ҳосилни жадал саранжомлаб олишга қаратилди. Улуғ Октябрнинг шонли 48 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизғин тус олдириб юборилди.

Бугунги қувончли кунда пахта териш ва тайёрлашда баҳоқдор бўлган хўжаликлар қучган зафарларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. «Восход» совхози ва «Ғизил юлдуз», «Коммунизм», «Москва», Максим Горький номли колхозларнинг марду майдонлари меҳнатда кўрсатган жасорат айниқса таҳдирга лойиқдир. Йиллик пахта тайёрлаш планини шараф билан бажарган бу хўжаликларнинг пахтакорлари шу кеча-кундузда ўз зиммаларидаги социалистик мажбуриятни ҳам оширнб адо этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар ҳосилдорликни 35-40 центнерга етказиш учун курашаётирлар.

Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган «Москва» колхози (раиси У. Умаров, партия ташкилотининг секретари Б. Омонов ўртоқлар) аъзоларн, айниқса, катта ғалабани қўлга киритдилар. Колхознинг Алиқул Қораев, Абдураҳмон Йўлдошев, Туфли Алиқулов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 33-35 центнердан ҳосил кўтаришди. Бундай юқори ҳосилли бригадалар бошқа хўжаликларда ҳам кўп.

Район механизаторлари пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам дилни кувонтирадиган натижаларни қўлга киритмоқдалар. Давлатга 21.200 ўрнига 28 минг тоннадан кўпроқ дон топширилиб, йиллик план 132 процент бажарилди. Шунингдек жун, тухум, сабзавот пахтаэрлаш йиллик планлари ҳам оширнб адо этилди.

Пахтакорларимиз қолган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан тезроқ териб олиш ва давлатга пландан тэшқари 3.200 тонна «оқ олтин» сотиб, ҳосилдорликни район бўйича ўрта ҳисобда 28 центнерга етказишга аҳд қилишди. Шубҳа йўққи, ўз сўзли марду майдонларимиз бу юксак мажбуриятни ҳам шараф билан уддалаб, жонажон партиямизнинг XXIII съездига муносиб совға тайёрлайдилар.

П. ҚУРБОНОВ,
Чироқчи район партия комитетининг секретари.
Б. ТИЛАВОВ,
район ижроия комитетининг раиси.

ГВАРДИЯ БЎШ КЕЛМАЙДИ!

Тоғлар этагига кўклам кеч келиб, уларнинг жилвагар гиламини кечроқ тўшайди. Булбуллар ҳам бу ерга кечроқ келиб, атир гул ишқида кечроқ хонаи қилади. Лекин бу ернинг об-ҳавоси, замини шунчалар сахий, шунчалар бой, шунчалар гўзалки, буни қишлоқ кезганингда, пахтазорлар гаштини сурганингда, тўла ҳис этасан.

Яхлит далалар. Чексиз пахтазорлар. Бир томонда пахтазор билан туташиб кетган бедапоялардэ баҳор шу кузак палласида тагин бутун улуғворлиги, бутун саховаги, бутун тароваги билан қайтиб келганга ўхшайди. Бедалар гилами қалин тўшалган. Бедапоянинг чеккасида беда гарами сав лат тўниб турибди.

Чорвадорларнинг кўнгли тўқ. Гарам-гарам беда, мўл-кўл озуқа бўлгач, қиличини ялангочлаб келадиган қиш ҳам қўрқинчли эмас.

Лекин ҳозир ҳамманинг дилида бир орзу, бир муқаддас ташвиш, бир эзгу ният бор. Совхоз посёлкасидаги катта-кичик ҳамма бирдек:

— Пахтани иложи борича тезроқ териб олсак. Шуҳратимизга шуҳрат қўшсак! — дейди.

Пахта фронтида ҳар йили ҳам кураш жуда қаттол бўлади. Ана шу фронтдаги жангларда, мўлкўл тер тўкиладиган фронтда «Сабай» гвардияси, «зангори кема»ларнинг дарғалари ўз байроқларини алоҳида шон-шараф билан қоплагандирлар.

Бу йил сув камчил бўлди. Мажбуриятнинг тўла ва ортиги билан бажарилишига етадиган даражада ҳосил тўплаш қийин бўлди. Лекин қийинчиликларни енгиш гвардияга хос анъана. Савайликлар бошқа совхозлар довондан ошган, ҳатто маррага етай деган бир пайтда — 29 сентябрь куни теримга тушишди.

Теримга тушишди-ю, бирдан жонли рақамлар машинанинг қудрати, шарофати, уни ўз измига бўйсундирган моҳир деҳқоннинг улуғлиги, машинани тизгинлаб олган механизаторнинг абжирлиги ҳақида баралла куйлай бошлади.

Механик-ҳайдовчи Исо Тамадов ҳамкасби Жўра Абдукаримов билан мусобақа боғлаб майдонга тушди. Уларнинг ҳар бири камида 150 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган. Икковининг агрегати ҳам тўхтовсиз ишлаб турибди. Бу моҳир механизаторларнинг ҳар бири ақлли машинани иложи борича яхши ишлатаётир. Исо Тамадов икки кунда 20 тонна, унинг мусобақадоши Жўра Абдукаримов 16 тонна пахта терди.

Савайликлар бу йил давлат омборига 18 минг 150 тонна пахта топширамиз, шундан камида 80 процентини машинада териб оламиз дейишган. 13 кунда йиллик план 59 процентдан ортиб кетди. Давлат «оқ олтин» хазинасига 9000 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилди. 185 та машина бирдек ишлаб, хирмонга барака қўшиб турган эди. Ўтган куни ёмғир пича сийпалаб ўтди. Шунинг учун эртасига пахтазорга 142 тагина машина кирди. Шунча машина билан 464 тонна пахта терилди. Бу — йиллик планнинг 3,7 процентига тенг.

Совхоз директори ўртоқ Узоқбой Саримсоқов СССР Олий Советининг яқиндагина бўлиб ўтган сессиясидан қайтиб келди. У чин юракдан бундай дейди:

— Москвада юрибман-у, кўнглим пахтазорда. Об-ҳаво нима бўлдикин, деб ташвиш тортасан, киши. Москва янги куч, қанот берди. Жонажон партиямизнинг XXIII съездн чақирилиши ҳақидаги хушхабар совхозимиз меҳнат аҳлини, биринчи навбатда коммунистларни, комсомолларни янги зафарларга чорлаяпти. Биз бу йил машинада нуқул аъло сифатли пахта теришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Планни кеч деганда 20 кунда бажарамиз.

Директор оу сўзларини механизациянинг қудратига, Ленин орденли механик-ҳайдовчи Воҳид Жўраев сингари азаматларнинг санъатига, совхоз коллективининг жўшқин ғайратига таяниб турнб айтяпти.

... Тоғ этакларига наврўз кеч келса ҳам, кузак эрта тушади. Кузак шамоли эсиб турибди. Эртаталаб аёз, совуқ тушгани сезгулик. Сойлар, ўйноқи ариқлардаги сув ювош оқяпти. Лекин мана бу «оқ олтин» тоғининг чўққилари тобора баланд кўтарилаверади. Республикамизнинг 3 миллион 650 минг тоннали катта хирмонига савайликларнинг улуши салмоқли бўлади. Бу юксак чўққига тезроқ етиш учун ўзбекча кураш тобора авж олмоқда. Бу кураш майдонида, бу пахта фронтида гвардия сира бўш келмайди!

Ҳамид НУРИЙ,
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Узбекистони»нинг махсус мухбирлари.
Андижон область, Қўрғонтепа райони.

ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ўзбекистон ССР ҳукумати 12 октябрда Дания Бош Министри Енс Отто Краг шарафига зиёфат берди.

Данияниинг Совет Иттифоқидаги элчиси Кристиан Д. Холтен-Эггерт ва Бош Министрнинг Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлиб юрган Данияннинг бошқа давлат арбоблари зиёфатга Дания ҳукуматининг бошлиғи ва унинг рафиқаси Хелле Вирюнер Краг хоним билан бирга келдилар.

Зиёфатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, СССР министри С. М. Тихомиров, СССРнинг Данияздаги элчиси К. Д. Левичкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири А. В. Захаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ва министрлар, республиканинг бошқа раҳбар ходимлари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Р. Қурбонов ва Енс Отто Краг нутқ сўзладилар.

13 октябрь орталаб Дания Бош Министри Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди.

Сўнгра меҳмонлар Тошкент тўқимачилик комбинатига бордилар.

Тушдан кейин Данпя Бош Министри ва унинг ҳамроҳлари Тошкентдан Сочига жўнаб кетдилар.

Дания, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэродромида Дания ҳукуматининг бошлиғини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари М. М. Мусахонов, Г. А. Габриельянц, республиканинг раҳбар ходимлари, матбуот вакиллари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Тошкент областидаги БЎКА РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ Т. РАЖАБОВ, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. ҚОДИРОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ К. СОДИҚОВ, район комсомол комитетининг секретари Э. ЖУРАЕВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ А. ПАРАМОНОВ).

Қашқадарё областидаги ҒУЗОР РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ К. МАҲМУДОВ, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. МАҚСУДОВ, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ К. АҲМАДЖОНОВ, район комсомол комитетининг секретари А. ОМОНОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Я. ИЛИАДИЙ).

13 ОКТЯБРГАЧА


„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

Тошкент	1,95	97,53	1,52	102,84
Қашқадарё	1,41	87,75	0,10	36,54
Сурхондарё	1,65	83,82	1,50	84,88
Фарғона	1,37	82,21	1,97	77,71
Бухоро	1,15	81,15	0,20	26,79
Самарқанд	2,28	80,94	1,55	59,77
Хоразм	2,98	78,18	3,07	51,43
Андижон	1,70	74,76	2,10	61,73
Қорақалпоғистон АССР	2,55	69,39	2,26	48,31
Сирдарё	2,27	69,06	2,82	87,98
Ўзбекистон ССР бўйича	1,89	79,45	1,95	70,23

Республикада 12 октябрь куни 68035 тонна пахта тайёрланди.



Андижон области. Москва районидаги «Москва» колхозининг азамат механик-ҳайдовчилари ўз фидокорона меҳнатлари билан деҳқонларнинг оғирини енгил қилаётирлар. «Пўлат от» жиловчиларининг ҳар бири ўрта ҳисобда кунига 4,5 тоннадан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлаётир. Хўжаликнинг 610 гектар ердаги пахтаси агрегатлар билан териб олинади. Суратда: хўжалик далаларида машина терими пайти.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ПИЛЛА ВА ИПАК

ПИЛЛАДАН НЕГА КАМ ИПАК ЧИҚЯПТИ? ПИЛЛАНИНГ ҚАЙСИ НАВИНИ ТУТГАН МАҚБУЛ? СУВГА УРИБ КЕТАЁТГАН ДАРОМАДЛАР.

◆ ◆

Кейинги пайтда пиллакашларни ҳам, шойи тўқувчиларни ҳам бир нарса ташвишга солмоқда. Нега ташвишга тушишмасин? Ахир йилдан-йилга пилладан кам хом ипак чиқяпти. Йилдан-йилга пилланинг ҳам, ундан ажратиб олинаётган хом ипакнинг ҳам, тўқилаётган шойининг ҳам сифати пасайиб кетяпти. Маҳсулот таннархи ошиб боряпти. Станокларнинг меҳнат унуми борган сари камайиб, даромаднинг катта қисми сувга уриб кетяпти. Биргина саноатда эмас, қишлоқ хўжалигида пиллачилар даромадининг ҳам чўғи кам. Пилла ҳосили кўпайса ҳам даромад ортмаяпти. Нима гап, ўзи?..

Шундай савол билан Фарғона пиллакашлик фабрикасининг бош инженери Иван Андреевич Купринга мурожаат қилдик.

— Бир сўз билан айтайми, — деди у.— Бу ялпи пилла ҳосилини кўпайтиришнинг кетидан қувиш оқибати... Бошқа нарса эмас. Шуни деб даромаднинг бир қисми сувга уриб кетяпти, пилладан кам ипак чиқяпти. Бу ҳам етмагандек, унинг касри хом ипак билан тўқилаётган шойига ҳам уряпти? Қанақасига дейсизми? Гап бундай. Ялпи пилла ҳосили кетидан қувиш, берилган топшириқни қандай қилиб бўлмасин ошириб бажаришга интилиш орқасида йилдан-йилга сифатли пилла ҳажми камайиб кетяпти. Мана, рақамлар ўз тили билан ҳикоя қилсин.

Бош инженер корхонанинг йиллик ишлари тахлили ёзиб қўйилган план бўлимининг «қўл бола» китобларини кўра кетди.

— Бир чеккага ёзиб қўйинглар. Бу рақамлар фабрика 1957 йили қабул қилиб олган хом ашё — пилланинг сифати қандай бўлгани ҳақида. Сара пилла — йил бўйи қабул қилиб олинган хом ашёнинг 7.2 процентини ташкил этибди. Биринчи сорт пилла бўлса 17,3 процентни, иккаласи биргаликда 24,5 процент бўлибди. Энди худди шу кўрсаткич ўтган йили қандай бўлганига бир разм солайлик-а.— У бошқа бир қўлбола китобни варақлай кетди. Топди.

— Сара пилла билан биринчи сорт пилла бор-йўғи 12,3 процентни ташкил этибди. Қаранг, ўтган етти йил ичида сара пилла билан биринчи сорт пилла икки баравар камайиб кетибди. Шунинг ҳисобига иккинчи, учинчи сортлар ва брак кўпайган.

— Натижада ишлаб чиқараётган хом ипагимизнинг сифати тушиб кетяпти,— дея суҳбатимизга аралашди ипак ўраш цехининг бошлиғи К. Куракина.— Тўғри, ипакнинг сифатли бўлиши озми-кўпми биз—пиллакашларга ҳам боғлиқ. Лекин асосан хом ашё ҳал қилади. Пилла қандай бўлса, хом ипакнинг сифати ҳам шундай чиқади.

— Мана, шу гапга яққол— рад этиб бўлмайдиган бир мисол — бош инженер ипакнинг сифатига тааллуқли рақамларни бояги китобладан кўрсатди. — 1957 йили ишлаб чиқарган маҳсулотимизнинг 83,4 процентини биринчи сортга топширган эканмиз. Ўтган йиличи?.. Атиги 44,2 процентини. Қарийб икки баравар камайиб кетибди. Тўғри-да, юқори сортли хом ашё икки баравар камайиб кетгандан кейин натижа шундай бўлади-да. Биргина бу эмас. Пилланинг сифати пасайгани сайин ундан ажратиб олинадиган ипакнинг миқдори ҳам камайиб кетяпти.

Фабрика бош инженери буни тасдиқлайдиган бир қатор фактларни келтирди. Биз уларни санаб ўтмай иложимиз йўқ. Чунки улар бор ҳақиқатни юзга айтадиган рақамлардир. Кейинги ўн йил ичида фабрика йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 133 тоннадан 148 тоннага кўтарилибди, холос. Ҳозир корхона ҳар йили олаётган хом ашё миқдорига қараганда бу кўрсаткич анча юқори бўлиши керак. Лекин шундай эмас. Сабаби битта. Йилдан йилга пилланинг сифати тушиб бориши билан ундан чиқадиган ипак ҳам камаяверган. Масалан, 1957 йилда 1 килограмм хом ипак ишлаб чиқариш учун 3 килограмму 180 грамм пилла сарфланган бўлса, ҳозир 3 килограмму 590 грамм пилла сарфланаётир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар килограмм ипак учун 410 грамм кўп пилла ишлатилмоқда. Демак, бу йил пландаги 121 тонна ипак ишлаб чиқариш учун корхона 1957 йилдагига нисбатан 50 тонна кўп пилла сарфлайди. Бу ярим миллион сўм сувга уриб кетди демакдир. Чунки ҳар килограмм пилла 11 сўм туради.

Пилладан кам ипак чиқаётганини мана бу фактлар ҳам тасдиқлайди. 1957 йилда 436 тонна пилладан 137 тонна хом ипак ишлаб чиқарилган бўлса, ҳисоб-китобларга қараганда бу йил 121 тонна хом ипак ишлаб чиқариш учун 434 тонна пилла керак экан. Қарийб тенг пилладан 16 тонна кам ипак чиқиб турса, бу нимани кўрсатади? Хом ашё сифати пасайиб кетганини-да...

Шунинг оқибатида станокларнинг меҳнат унумдорлиги камайиб, маҳсулот таннархи ортяпти. Фойда эса камаяпти. 1957 йили бир килограмм хом ипакнинг таннархи 43 сўм 3 тийинга тушган бўлса, шу йилнинг 8 ойи ичида бу кўрсаткич 51 сўм 36 тийинни ташкил этди. Ёки бошқача айтганда, маҳсулот таннархи унинг давлат баҳосидан ошиб кетди. Корхона ҳар килограмм ипакдан 36 тийиндан зарар кўра бошлади. Бир станок 1957 йилдагига нисбатан ўтган йили бир соатда 610-номерли маҳсулот бўйича 15 грамм кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Ҳар станок билан бир сменада шу ҳисобдан 100 граммдан маҳсулот йўқотилди. Бу катта йўқотиш, хом ашё сифати кескин пасайиб кетганидан далолат берувчи кўрсаткич.

Бу бир корхона миқёсидаги гапларми? Йўқ, республиканинг бошқа пиллакашлик фабрикаларида ҳам шу аҳвол. Пилла сифатининг пасайиб кетаётгани орқасида республикада биринчи сорт хом ипак ишлаб чиқариш кейинги олти йил ичида 2 баравардан ортиқроқ камайиб кетди. 1958 йили ишлаб чиқарилган хом ипакнинг 71,8 проценти биринчи сортга топширилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 34,4 процентни ташкил этди. Сабаби, шу давр ичида юқори сорт пилланинг ҳажми камайиб кетди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда кейинги 9 йил ичида республикада сара ва биринчи сорт пилла 40 процент камайиб, брак пилла 60 процент кўпайган. Бунинг натижасида биргина саноат корхоналари эмас, пиллачиларнинг ўзлари ҳам зарар кўришяпти. Республика пиллачилари ҳар йили ўртача 11,7 миллион сўм соф даромаддан айрилиб қолаётирлар. Чунки брак пиллага давлат сара пиллага нисбатан 14 баравар кам ҳақ тўлайди. Ялпи пилла ҳосилини ошириш кетидан қувиш ана шундай оқибатларга олиб келяпти.

Пилланинг сифати йилдан-йилга пасайиб бораётганининг бошқа сабаблари ҳам йўқ эмас. Пилла тутишдаги ибтидоийлик, агротехникага риоя қилмаслик, ҳар қути уругдан иложи борича кўпроқ пилла олишнинг биринчи планда туриши, пилла тутишнинг ҳалигача марказлаштирилмаётгани, пилланинг тайёрлаш ва уни дастлабки қайта ишлашнинг қишлоқ хўжалиги органлари қўлидалиги, ҳозир кўплаб тутилаётган пилла навининг саноат талабига тўла жавоб бермаслиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Пиллани колхозчиларнинг уйида тутиш ибтидоийликдан бошқа нарса эмас. Бундай шароитда кўпинча бир қути уруғга 60 ўрнига 29 квадратметр жой ажратилади. Қурт боқишнинг агротехника шартларига риоя қилинмайди. Пиллага бериладиган барг кўпинча сўлитиб қўйилади.

Кўпдан мана шундай воқеанинг гувоҳи бўламиз. Агар бирор район ёки область ҳар қурт тутиш планини бажара олмаса, ёзда бўлса ҳам такрорий қурт тутиш топшириғи берилади. Ялпи пилла плани бажарилиши керак-да. Лекин қайта тутилган пиллани саноатда хом ашё сифатида ишлатиб бўладими-йўқми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бир мисол. Бу йил Тошкент областида йиллик пилла тайёрлаш планини бажариш мақсадида такрор пилла тутилди. Натижа нима бўлди, денг. Ана шу қайта тутилган 60 тонна пилланинг 50 проценти брак деб топилди. Қолгани паст сортларга ўтказилди. Хўш, саноат учун ҳеч бир кераксиз, яроқсиз бўлган шунча пиллани тутиш кимга керак эди?! Пилладан келадиган даромад ана шундай сувга уриб кетяпти-да... Мутахассисларнинг фикрича, ёзги такрорий қурт боқишдан бутунлай воз кечиш керак. Республика пиллачиларининг диққатини сифатни оширишга қаратиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатчилар олдига қўяётган талаблар ҳам шуни тақозо этади. Бусиз ипакнинг ҳам, шойининг ҳам сифатини кўтариш амримаҳол.

Яна шу кунгача пилланинг қайси навини тутган мақбул деган масала ҳал бўлмай келмоқда. Ҳурматли олимларимиз ҳалигача бу масалада ҳал қилувчи сўзни айтишганича йўқ. Ҳозир республикамизда С-8хС-9 ва С-9хС-8 ҳамда Б-1хБ-2 ва Б-2хБ-1 гибрид уруғлар ишлатилмоқда. С-8хС-9 ва С-9хС-8 гибрид пилла ўзининг технологик хусусиятлари билан пиллакашлик саноатининг ҳозирги талабларига жавоб бера олмайди. Лекин уни тутишда қурт боқиш агротехникасига қаттиқ риоя қилиш шарт эмас. Б-1хБ-2 ва Б-2хБ-1 гибриди эса агротехникага қаттиқ риоя қилишни талаб қилади. Шу билан бирга унинг пилласидан кўп ипак ажратиб олиш мумкин. Ипак толалари текис бўлади. Кўп, юқори сорт ипак беради. Мана, бир мисол. Фарғона пиллакашлик фабрикасида бу йил июнь ва июль ойларида С-8хС-9 гибрид пилладан ипак ишлаб чиқарилди. Июнда биринчи сорт ипак 44,4 процентни ташкил этди. Сентябрь ойида Б-1хБ-2 гибрид пилласидан ипак ажратилганда эса биринчи сорт маҳсулот 73,5 процентга етди. Кўриниб турибдики, кейинги гибрид пилла маҳсулот сифатининг кескин ошишига имкон беради.

Лекин бу нав пилла жуда кам тутиляпти. Чунки у пилла тутишни марказлаштиришни, қурт боқиш агротехникасига қаттиқ риоя қилишни талаб этади. Пилла тутишни марказлаштириш ва уни дастлабки сифатли қайта ишлаш масаласи эса ҳал бўлмай келаётир. Пиллани дастлабки қайта ишлашни қишлоқ хўжалиги органларидан саноатга олиб берган маҳбулроқ. Пахта пунктлари ҳузуридаги қуритиш цехларида пиллани дастлабки қайта ишлашни йўлга қўйиш лозим. Ҳозир пиллани дастлабки қайта ишлаш соҳасида малакали кадрларни кўрмайсиз. Шунинг учун ҳам пилла сифатсиз қайта ишланяпти. Бунинг орқасида пилла ўз сифатини баттар йўқотяпти.

Республикада пилла сифатини яхшилаш масаласи тегишли ташкилотлар томонидан тез фурсат ичида ҳал қилиниши лозим. Ялпи маҳсулот кетидан қувиш даври ўтди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми бунга чек қўйди. Шундай экан, келгуси йилда сара пиллани кўпайтириш тадбирлари ҳозиргидан белгилаб олиниши лозим. Пиллакашлик саноатининг талаби шундай.

Д. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Фарғона область мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

□ □

ЛОЙИҲАЛАР ПУХТА БЎЛСИН

Қадимий Наманган ўзининг ширин-шарбат олмалари, шафтолилари, анор-анжирлари, тилёрар қовуну, асалмисоз узумлари билан машҳур. Одамохун, миришкор боғболарини айтмайсизми.

Колхоз-совхозларда етиштирилган ҳосилнинг еган-ичгандан, дўстларга юборилгандан ортгани шаҳардаги консерва заводида ишланиб турарди. Кейинги йилларда ҳосилдорлик шу қадар ортиб кетдики, бу завод барча маҳсулотларни ишлашга улгурмади. Ана шуни назарга олиб Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши Озиқ-овқат саноати бошқармаси қарорига мувофиқ шаҳарнинг темир йўл станцияси яқинидан ўтадиган Шимолий Фарғона канали бўйидан 14 гектар ер ажратиб янги, замонавий типдаги консерва заводи қуришни планлаштирди. Завод лойиҳасини «Гипропищпром», қурилишини Наманган 10-қурилиш тресги бажарадиган бўлди.

Ниҳоят шу йилнинг бошида консервачилар янги заводга кўчиб ўтишди. Сиртдан қараганда бинойидек кўринган корхона ишга туширишда одамларни анча қийнади. Аввало, завод қурилишида йўл қўйилган жуда катта ва жиддий хато — унинг тунука банкада маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган бўлди. Металл бошқа соҳаларда зарурроқ бўлгани учун завод коллективи тукука банкага мўлжалланган қурилган автомат линияларни шиша банкага мослаштиришга мажбур бўлди. Кўпгина қўшимча станоклар ўрнатиш, ёзувларини эса бузишга тўғри келди. Табиийки, бу заводга жуда қимматга тушди.

Шундай қилиб, нотўғри планлаштириш оқибатида заводдаги кўпгина ишлар автомат линиялар ёнида туриб қўлда бажарилмоқда. Бош корпусдаги 2 та мева, битта томат, 2 та сабзавот линияси тўла қувват билан ишламаяпти. Ишнинг асосий қисми — кустарь усулда бажариляпти.

Завод лойиҳаси бундан 15 йил муқаддам тузилганлиги туфайли кўпгина асбоб ва ускуналар ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Ахир шу давр ичида озмунча ўзгаришлар рўй бердими? Бу янгиликлар завод қурилишида эътиборга олингани йўқ. Ускуналар компановкаси бежирим эмас. Технологик линиялар ҳаддан ташқари чўзиқ. Ваҳолонки, заводни қуриш вақтида консерва саноатида рўй берган кейинги янгиликлар ҳисобга олиниши керак эди.

Планлаштиришдаги бу хатоликлар давлатга анча қимматга тушмоқда. Завод коллективини қийнаб қўйган. Буларнинг ҳаммаси корхонада ишлайдиган мутахассисларнинг фикри билан, маҳаллий шароит билан ҳисоблашмасдан юқоридан бўладиган планлаштиришнинг оқибатидир.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бош пудратчи — 10-қурилиш тресги ҳам қўпол хатоларга йўл қўйган. Қилинган ишлар ниҳоятда сифатсиз. Канализация яхши ишламайди. Деворлар ва полларга ёпиштирилган сопол плиталар кўчиб кетяпти. Сувоқлар нурамоқда. Водопровод шоҳобчалари ҳам пала-партиш қурилган. Ускуна ва станоклар пухта ўрнатилмаган. Холодильник камералари қуришда ҳам қатор хатоликлар бор. Складларнинг полларини нотекис, айрим жойлари кўчиб кетган. Бу каби камчиликлар заводни тўла қувват билан ишга тушириб юборишга тўсқинлик қилмоқда. Корхона ишга тушганига ярим йил бўлиб қолганлигига қарамай ҳали лойиҳадаги қувват даражасида маҳсулот бераётгани йўқ. 1966 йил бошига бориб завод 16 миллион банка консерва бериши, яқин икки йил мобайнида бу рақам 40 миллионга етиши керак.

— Завод лойиҳасида, қурилишида йўл қўйилган нуқсонларни ўз кучимиз билан бартараф этмоқдамиз, — дейди корхона директори Саид Жалилов, — лекин бунга кўп вақт ва маблағ керак бўляпти. Халқ хўжалиги кенгаши Озиқ-овқат саноати бошқармаси дурустроқ ёрдам бермаса аҳвол чатоқ. Корхонанинг ишчи-чиқирларини тузатиш маҳсулот таннархини ошириб юборяпти.

Ш. ҚОСИМОВ.
Наманган.



Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикаси коллективи етти йиллик топшириқларни муваффақиятли адо этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларидан илҳомланган корхонанинг ишчи ва инженер-техник ходимлари янада унумлироқ меҳнат қилмоқдалар. Фабрикада Октябрь олди социалистик мусобақаси кундан-кунга авж олмоқда. Сиз бу суратда корхонанинг илғор ишчиси М. Ихлосовани кўриб турибсиз.

А. Кузьменко фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЙЎЛ АЗОБИ...

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги редакциямиз қуйидагиларни хабар қилади:

Тошкент шаҳар Октябрь район меҳнаткашларидан редакция орқали олинган хат ўрганиб чиқилди ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилди. Аҳолига автобус хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Тошкент шаҳар автомобиль трестига Бируний майдони — Тинчлик кўчаси маршрути бўйича автобусларнинг графиги бўйича қатновини таъминлаш, янги машиналар олиниши билан автобуслар сонини кўпайтириш ҳақида кўргазма берилди. Автобусларнинг графиги бўйича қатновини кузатиб бориш учун қўшимча назоратчилар ажратилди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Конвертларни очганда

Редакция кеча ишчи-деҳқон мухбирлари, пост аъзолари, штатсиз ва ўз мухбирларидан 87 хат, 3 фотосурат олди. Меҳнаткашлардан 6 та шикоят аризаси келди. Шикоят тегишли ташкилотларга юборилди. Материаллар, фотосуратлар бўлимларга чиқарилди. Қуйида кечаги почта материалларидан айримларини ўқийсиз.

ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Қарши шаҳар педагогика билим юртининг студентлари ўз кучлари билан 6 хонали янги ўқув корпуси ва 360 ўринли ётоқхона биносини қуриб битказдилар.

У. САЛИМОВ.

84 ХИЛ БУЮМ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРИ ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАЛАРИ УЧУН ЗАПАС ҚИСМЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЛҒАРИ ИШЛАТИЛАДИГАН ҚИММАТБАҲО, БРОНЗА, ПЎЛАТ, ДЮРАЛЮМИН, ЎРНИГА ПЛАСТМАССА ИШЛАТА БОШЛАДИЛАР. ҲОЗИРГИ КУНДА КОМБИНАТДА ПЛАСТМАССАДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ЗАПАС ҚИСМЛАР СОНИ 84 ХИЛГА ЕТДИ. НАТИЖАДА ШУ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЙЛАРИДА 85 МИНГ СЎМГА ЯҚИН МАБЛАҒ ТЕЖАБ ҚОЛИНДИ.

А. ВАЛИЕВ.

МЕҲНАТ АҲЛИ МАМНУН

Ленинград колхози аъзоларига 1500 ўринли ёзги кинотеатр, 650 ўринли клуб қуриб берилди. Шунингдек, кичкинтойларга шинам боғча биноси совға этилди.

Ж. КАРИМОВ.
Наманган райони.

ЮТУҚЛАР МУБОРАК

Хатирчи районидаги «Одтинсой» совхозининг зоотехниги Нормурод Ортиқовнинг лотерея билетига ИЖ-56 маркали мотоцикл, С. Абдуллаева, И. Пармоновлар ҳарид қилган билетларга эса гилам ютуқ чиқди.

Р. МЎМИНОВ.

ЭКСКАВАТОРЧИЛАР ОТРЯДИ

Қамаши районидаги экскаваторчи машинистлар тайёрлаш курсини 55 киши муваффақиятли тамомлади. Улар Қарши чўлларини обод қилиб, боғроларга айлантириш учун жўнаб кетдилар.

Б. ЖАББОРОВ.

Бухородаги 10-қурилиш бошқармаси Газли—Амударё йўлининг дастлабки 50 километрини қуриб битказдилар. Янги йўлда машиналар қатнови бошланди. Бу қурувчиларнинг Улуғ Октябрь байрамига муносиб туҳфасидир. Йўлнинг навбатдаги қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

А. ҚУЧҚОРОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ТУХУМ ВА САБЗАВОТ

Термиз районининг паррандабоқарлари давлатга пландаги 1 миллион 360 минг дона ўрнига 1 миллион 620 минг дона тухум топширибди, планни 120 процент бажардилар.

Шунингдек район сабзавотқорлари аҳолига 960 тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб, катта ғалабани қўлга киритдилар.

Ф. НОРҚУЧҚОРОВ.

Ишчи-деҳқон мухбирларидан Б. Боймирзаев (Косон райони), Ҳ. Содиқов (Тошкент шаҳри), М. Шоятбеков (Хўжаобод), З. Камолов (Ромитан), А. Икромов (Бухоро), Д. Назаров (Иштиҳон), А. Элмирзаев (Яккабоғ), Т. Нурматов (Қарши), И. Бозорбоев (Булунғур), Э. Жўраев (Шаҳрисаб), К. Қурбонбоев, С. Бозоров, О. Юзбоев (ҳарбий бўлинма)лар йўллаган хат-хабарларда ҳам диққатга сазовор масалалар кўтарилган.

Ўлар ўзгача БИР ШИНГИЛ

Андижон районидаги Шўро қишлоғида янги касалхона қурилиб, ишга туширилди.

Р. ИМИНОВ.

Яккабоғ қишлоғида 800 дан ортиқ хонадон «зангори олов» олди. Қашқадарё область Яккабоғ районининг бошқа қишлоқларида ҳам газлаштириш ишлари тез суръатлар билан бормоқда.

Ш. МАҲМУДОВ.

Ҳар йили октябрь ойида Халқаро хатлар ҳафталиги ўтказилади. Шу муносабат билан Иттифоқ Алоқа министрлиги «Халқаро хатлар ҳафталиги» деган ранг-баранг маркалар, конвертлар чиқарди.

И. УСМОНОВ.

Чучук Назарова 15 йилдан бери савдо соҳасида ишлайди. У мудирлик қилаётган Самарқанд область Иштиҳон район матлубот жамиятига қарашли 22-магазинда ойлик, квартал планлар ҳамиша ошириб бажарилади. 9 ойлик план 135 процент адо этилди. Ишчан савдо ходими харидорларни хуш муомила билан кутиб олиб, уларнинг талаб ва истакларини қунт билан ўрганиш орқали бунга эришмоқда.

С. ХЎЖАЕВ.

ЯНГИ ШИФОХОНАЛАР

Пойтахтимизнинг студентлар шаҳарчаси — Чимбой массивида яна бир кўп қаватли бино қад кўтарди. Бу республика кўз касалликлари диспансери биносидир.

Диспансерда поликлиника ва 100 ўринли шифохона бор.

Шунингдек, Кўкча Оқтепасида ҳам 800 ўринли касалхона ишга туширилди.

Ю. АХРОРОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ УРУҒИДАН МОЙ

Республикадаги пахта заводлари Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон мой-ёғ саноати корхоналарига мавсум бошлангандан буён янги пахта ҳосили уруғидан 100 минг тоннадан кўпроғини жўнатдилар. Ана шу уруғнинг деярли ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Ўзбекистондаги ёғ заводлари йил охиригача ярим миллион тонна уруғ оладилар. Бу миқдордаги уруғ 90 минг тоннадан кўпроқ мой ишлаб чиқариш учун етардидир.

Етти йилликнинг тугаллачувчи йилида республикада жами 303 минг тонна мой ишлаб чиқариш мўлжалланган эди. Ана шу мойнинг 214,5 минг тоннаси ҳозирдаёқ тайёрланди. (ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

ХЎЖАЛИКНИ БОШҚАРИШ

Ижтимоий ишлаб чиқариш бутун халқ манфаатларини кўзлаб, бир план асосида амалга оширилаётган социализм шароитида объектив равишда амал қилувчи иқтисодий қонунларни билиш, бу қонунларни кишилар иродасига итоат қилдириш ва улардан меҳнаткашлар ҳамда ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлида фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бироқ, қонунлардан ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш манфаатлари йўлида онгли суратда фойдаланиш кишилардан ана шу қонунлар талабларини ҳисобга олиш имконини берадиган зарур билим талаб қилади. Муайян билимлар, бинобарин иқтисодий билимлар бўлмаса, иқтисодий қонунлардан онгли суратда фойдаланишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Иқтисодий қонунлардан онгли суратда фойдаланиш хўжаликка раҳбарлик қилишни муайян ишлаб чиқариш усулига хос иқтисодий қонунларнинг талабларига мувофиқ амалга оширишни тақозо қилади. Бизнинг социалистик воқелигимизда, чунончи, халқ хўжалигида, умуман, айни бир вақтда унинг тармоқлари ва корхоналарига ҳам раҳбарлик қилиш иқтисодий қонунларнинг талаблари ҳисобга олингани ҳолда амалга оширилмоғи керак. Объектив иқтисодий қонунларнинг талабларидан чекинишга ёки уларни зўрма-зўраки, субъектив қарорлар қабул қилиш билан назар-писанд қилмасликка йўл қўйиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай тасодифда социализм шароитида ҳам иқтисодий қонунлар итоатгўй хизматкорга айланган бўлса ҳам, қарама-қаршн ҳаракат қилиши ва айни вақтда масала зўрма-зўраки қарорлар қабул қилишга сабабчи бўлган айбдорларни жазолаш билан чекланиб қолмасдан, балки у ижтимоий ишлаб чиқаришнинг боришига ва ишлаб чиқарувчилар турмушига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иқтисодий сиёсатда субъективизм кўринишлари рўй берган вақтда бизда ҳам худди шундай ҳол рўй бериб, муайян қийинчиликларга, чунончи умуман ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш суръатларини ва жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг суръатларини сусайтиришга олиб келди. Бу ўринда биз шундай фактга дуч келдикки, у объектив иқтисодий қонунлар салбий таъсир кўрсатганлиги билан характерланади. Объектив иқтисодий қонунларни, уларнинг ҳаракат механизмини билиш ҳамда иқтисодий сиёсатни ана шу қонун талабларини ҳисобга олиб амалга ошириш совет кишилари қўлига иқтисодий қонунларни ўз иродасига бўйсундиришнинг, улардан керакли соҳада, яъни халқ хўжалигини бутун чоралар билан юксалтириш манфаатларини кўзлаб, фойдаланишнинг калитини беради.

КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрда (1965 йил) бўлиб ўтган Пленумлари иқтисодий сиёсатдаги ва мамлакат хўжалигини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишдаги субъективизмни қоралаб, мамлакат иқтисодий тараққиёти масалаларини ҳал қилиш вақтида иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳар тарафлама ҳисобга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширишнинг дастлабки якунлари иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олишнинг гоят зарурлигини яққол кўрсатиб турибти. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми кўпгина тадбирлар билан бир қаторда, колхозчилар ва совхоз ишчиларини ижтимоий ишлаб чиқаришда моддий жиҳатдан рағбатлантириш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ленинча принципини амалга оширишга алоҳида эътибор берди.

Ҳозирги вақтда биз республикамиз миқолида шу нарсани таъкидлаб ўтишга тўла ҳақлимизки, партия Марказий Комитети март (1965 йил) Пленумининг қарорлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини энг кўп даражада юксалтириш учун мустаҳкам база яратишда ҳозирнинг ўзидаёқ гоят катта роль ўйнади. Пахта тайёрлаш плани октябрнинг бугунги кунигача республикада 80 процентдан ортиқ бажарилганлигини хўжалигимизнинг тараққиёт тарихи ҳали билмайди.

Бу факт шуни очиқ-равшан кўрсатадики, партиянинг объектив иқтисодий қонунлар талабларини тўла ҳисобга олиб амалга ошираётган янги иқтисодий сиёсати натижасида колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ижтимоий манфаатлари билан шахсий манфаатларини бирбирига уйғунлаштириш тегишли даражага кўтарилди, улар йил давомида рўй берган баъзи қийинчиликларга қарамай, пахтадан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш учун зарур воситаларнинг ҳамма сидан фойдаландилар. Ижтимоий ишлаб чиқаришда иқтисодий стимулларнинг ролини ошириш ижтимоий ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг энг муҳим шарти бўлиб қолди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитети сентябрь (1965 йил) Пленумининг «Саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарорини мисли кўрилмаган баланд руҳ билан кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми иқтисодий қонунларнинг талаблари ҳисобга олинмаса халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш тўғрисида ғап бўлиши мумкин эмаслигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтди. Эндиликда партия Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари амалга оширилиши билан мамлакатда халқ хўжалиги янада гуркираб ривожланажагига умид боғлаш учун ҳамма асослар бор. Халқ хўжалиги ва унинг тармоқларининг, шунингдек корхоналарнинг фаолиятини планлаштиришни такомиллаштириш, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий этиш, хўжаликни тармоқ бўйича бошқариш методини ташкил этиш юзасидан Пленум қарорларида кўзда тутилган тадбирлар хўжаликка иқтисодий раҳбарлик қилиш, маъмурий раҳбарлик билан илмий раҳбарликни бир-бирига уйғунлаштириш, иқтисодий қонунларнинг талабларини чуқур билган ва уларни амалий ишда ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик қилиш зарурлигининг аҳамиятини юксак даражага кўтаради.

Ленин «сиёсат экономиканинг марказлашган ифодасидир», деб таълим берган эди. Бинобарин, сиёсатни объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олиш асосида амалга ошириш хўжаликни бошқаришда қудратли компас бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери тобора ривожланаётганлиги ижтимоий меҳнат тақсимоти такомиллашиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Бундай шароитда кадрларнинг маданий-техникавий савиясини оширишга, уларнинг хўжаликка илмий раҳбарлик қилиш қобилиятларига, уларнинг ўз иқтисодий билимларини оширишларига ҳамда иқтисодий кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва кенгайтиришга жуда катта талаблар қўйилади. КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь (1965

Тажриба ва ташаббус

ИЖРОКОМ ВА ШТАТСИЗ БЎЛИМЛАР

Фарғона область ижроия комитети шаҳар ва район ижроия комитетлари ишини янада яхшилаш мақсадида кейинги вақтда бир қанча штатсиз бўлимлар тузишни мақбул топди. Ҳозир область, шаҳар ва район ижроия комитетлари қошидаги 26 та штатсиз бўлимларда халқ ишига қайғурадиган 157 киши сидқидилдан ишлаб турибди. Улар жойларда оммавий-ташкилий ишларни, аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш, меҳнаткашларнинг арз ва шикоятларини кўриб чиқиб талабларини қондириш, аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш юзасидан иш олиб боришмоқда. Ҳозиргача областнинг шаҳар ва район ижроия комитетлари қошида оммавий-ташкилий ишлар бўйича 11 та, савдо бўйича 9 та, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича 2 та, кооператив уй-жой курилиши ва ободонлаштириш бўйича биттадан, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини текшириш бўйича 2 та штатсиз бўлимлар тузилди. Улар квартал учун тузилган ва шаҳар ёки район ижроия комитетлари мажлисларида тасдиқланган планлар асосида амалий иш олиб бораётирлар. Бу жуда яхши натижалар бермоқда.

Оммавий-ташкилий ишлар бўйича тузилган штатсиз бўлимлар ўз иш планларида қишлоқ ва посёлка Советларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ролини ошириш, шунингдек, оммавий-ташкилий ишларни такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни белгилайдилар. Кейин шу план асосида иш кўрадилар. Бу соҳада Қува, Охунбобоев, Ўзбекистон район ижроия комитетлари ва Марғилон ҳамда Қўқон шаҳар ижроия комитетлари қошида ташкил этилган оммавий-ташкилий ишлар бўйича штатсиз бўлимлар иши диққатга сазовордир. Бу ижроия комитетларнинг штатсиз бўлимлари қишлоқ ва посёлка Советларида оммавий-ташкилий ишлар аҳволини мунтазам текшириб турадилар. Шу билан бирга уларга амалий ёрдам берадилар, муҳим масалаларни ижроком муҳокамасига киритадилар. Масалан, Қува район ижроия комитети қошидаги штатсиз ташкилий бўлим шу йилнинг биринчи ярмида Байналминал, Акбаробод қишлоқ ва Федченко посёлка Советлари иш фаолиятини текширди.

Натижада Байналминал ва Акбаробод қишлоқ Советлари оммавий-ташкилий ишларни бўшаштириб юборганликлари аниқланди. Штатсиз бўлим бу қишлоқ Советларида оммавий-ташкилий ишларни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб, уни район ижроия комитети муҳокамасига қўйди.

Ленинград район ижроия комитети қошидаги оммавий-ташкилий ишлар бўйича штатсиз бўлим эса шу йил май ойида Ленин, Розимжон ва Бувайда қишлоқ Советларидаги ЗАГС органлари фаолиятини текширди. Текшириш натижаси район ижроия комитети мажлисида муҳокама қилинди ва ЗАГС органлари ишини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Марғилон шаҳар ижроия комитетига унинг штатсиз ташкилий бўлими жуда яхши ёрдам бериб келмоқда. Бу бўлим инструкторлари секцияларга бўлиниб иш кўрадилар. Штатсиз бўлим маҳалла комитетлари иши бўйича, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бўйича, соғлиқни сақлаш бўйича ҳамда халқ маорифи идоралари бўйича иш кўрадиган секциялардан ташкил топган. Бундай секцияларга бўлиниб иш кўриш яхши натижалар беради. Масалан, шу йил апрель ойида штатсиз ташкилий бўлим ташаббуси билан маҳалла комитетлари бошлиқларининг семинар кенгаши ўтказилиб, улар маҳалла комитетларининг ҳуқуқ ва бурчлари билан таништирдилар. Ўзаро тажриба алмашдилар. Июнь ойида эса штатсиз бўлим айрим маҳалла комитетларининг ишини текширди. Унинг натижаси шаҳар ижроия комитети мажлисида кўриб чиқилиб, ана шу маҳалла комитетлари фаолиятини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Марғилон ижроия комитети шаҳарликлардан уй-жой ремонтининг ёмонлиги тўғрисида кўплаб шикоятлар ола бошлагач, шу йил июль ойида штатсиз ташкилий бўлим ана шу ариза ва шикоятлар бўйича текшириш ўтказди. Сигналлар тўғри чиқди. Уй-жой ремонтида муҳим камчиликлар аниқланди. Бу масала ҳам штатсиз бўлим ташаббуси билан шаҳар ижроия комитети томонидан кўриб чиқилиб, уни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Қўқон шаҳар ижроия комитетининг штатсиз ташкилий бўлими составида врачлар ҳам, ўқитувчилар ва юристлар ҳам, инженерлар ва савдо ходимлари ҳам бор. Бу халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича масалаларни тушуниб-билиб хал қилиш имконини бермоқда. Айниқса, штатсиз бўлим ижроком мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ижроия комитетига катта ёрдам кўрсатмоқда. Ижрокомнинг ана шу масала бўйича тўплаган тажрибасини область ижроия комитети умумлаштириб ҳамма маҳаллий Советларга ёйди.

Савдо хизмати бўйича тузилган штатсиз бўлимлар ўзларининг амалий ишларида эътиборни кўпроқ савдо хизматини ва умумий овқатланишни яхшилашга қаратмоқдалар. Маҳаллий Советларнинг шу тармоқлар бўйича тузилган доимий комиссиялари билан эса мустаҳкам алоқада ишламоқдалар. Шу мақсадда штатсиз савдо бўлимлари савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналарини доимий равишда текшириб турибдилар. Киров, Қува, Охунбобоев, Ўзбекистон район ижроия комитетлари қошида тузилган штатсиз савдо бўлимларининг фаолияти айниқса диққатга сазовордир.

Киров район ижроия комитети штатсиз савдо бўлими шу йил апрель-июль ойларида Бешариқ, Октябрь, Яккатут матлубот жамиятларига қарашли савдо тармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналарида текшириш ўтказди. Текшириш натижасида аҳолига савдо хизмати кўрсатишда қатор камчиликлар содир бўлаётгани аниқланди. Жанжал, Жарбоши синғари йирик қишлоқларда ҳам магазин йўқлигидан кишилар ўзларига керакли нарсаларни район марказига бориб харид қилиб келишга мажбур бўлмоқдалар. Бу масала район ижроия комитетида кўриб чиқилди. Сўнг шу қишлоқларда савдо точкалари очилди. Ҳозир пахта йиғим-терими даврида штатсиз савдо бўлими ходимлари дала шийпонларида савдо хизмати ва умумий овқатланишни яхшилаш юзасидан катта ишларни амалга оширишяпти.

Охунбобоев район ижроия комитетининг штатсиз савдо бўлими район марказидаги умумий овқатланиш корхоналари ишини, район матлубот жамияти системасида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласини ҳар томонлама текширди. Текшириш вақтида эса муҳим камчиликлар аниқланди. Шунинг учун ҳам штатсиз савдо бўлими бу масалани район ижроия комитети муҳокамасига қўйди.

Бундан икки йил муқаддам Фарғона шаҳар ижроия комитетида ташкил этилган кооператив уй-жой қурилиши бўйича штатсиз бўлимнинг иши айниқса мақтовга сазовордир. Унинг иш тажрибаси ёйишга лойиқ. 1963 — 1965 йиллар ичида штатсиз бўлим шаҳарда аҳолини кооперативга тортиш ва уй-жойларни кооперативлар йўли билан қуриш борасида катта иш олиб борди. Агар 1963 йилда Фарғонада 1630 квадрат метрли 2 та уй-жой биноси кооперативлар йўли билан қурилган бўлса, 1964 йилда 6418 квадрат метрли 8 та уй, бу йил шу вақтгача 5413 квадрат метрли 6 та уй тикланди.

Бошқача айтганда шу вақтгача 16 та уйга 860 та хонадон кўчиб кирди. Ҳадемай бу бўлимда пайчилар сони 400 кишига етади. Шунингдек, Фарғона шаҳар ижроия комитетига ариза ва шикоятларни текшириш бўйича тузилган штатсиз бўлим ҳам катта ёрдам бермоқда. Бу бўлим ходимлари шахсан гражданлардан ижрокомга тушган ариза ва шикоятларни текширадилар, шикоятларнинг бошқа бўлимлар томонидан вақтида кўриб чиқилишини назорат қиладилар. Шу йилнинг биринчи ярмида штатсиз бўлим шаҳар ижроия комитети муҳокамасига уй-жой бўлими ва шаҳар коммунал хўжалик бошқармасида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига муносабат масаласини қўйди.

Область маҳаллий Советлари штатсиз бўлимлари ишида ҳали камчиликлар ҳам бор. Айрим шаҳар ва район ижроия комитетлари штатсиз бўлимларга тузукроқ раҳбарлик қилмаётирлар, ишда уларга амалий ёрдам кўрсатмаётирлар. Семинар ва кенгашлар камдан-кам ўтказилади. Шунинг учун ҳам айрим штатсиз бўлимларнинг текширишларидан фойда кам бўлаётир. Агар ана шу камчиликлар ҳам бартараф этилса, штатсиз бўлимлар иши яна ҳам жонланиб кетар, ижрокомларнинг кўмакдошлари кўпаяр эди.

М. ИБРОҲИМОВ,
Фарғона область ижроия комитетининг раиси.

КЎПЧИЛИК ИРОДАСИ

Партия турмуши

Муҳим ишларни амалга оширишда кенг меҳнаткашлар оммасига таяниш, кишиларга ғамхўр, меҳрибон бўлиш ҳар бир коммунистнинг муҳим бурчидир. Бу соҳада кичик бўлса ҳам хатога йўл қўйиш, одамларга қўпол муомалада бўлиш кишиларнинг кайфиятини бузади. Умумий ишга путур етказади. Афсуски, коммунистлар орасида баъзан шундай кишилар ҳали ҳам учраб туради. Уларнинг хатоларини партия йиғилишларида рўй-рост очиб ташлаш, тўғри йўл кўрсатиш катта аҳамиятга эга.

Коммунистик партиямиз ҳамиша коммунистларни ташаббускорлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга эътибор беради. Коммунист мансабидан қатъи назар Ленин партиясининг аъзоси деган номни покиза сақлаши, ҳар бир ишга давлат, умумхалқ нуқтаи-назаридан ёндошиши зарур.

Мен яқинда колхозимизда бўлиб ўтган бир партия йиғилишидаги воқеани айтиб ўтмоқчиман. Йиғилишда 2-бригада бошлиғи коммунист Ғани Сатторовнинг иш услуби қаттиқ танқид қилинди. У звено бошлиқлари ва олдин колхозчиларга қўпол муомала қилган. Арзимаган баҳоналар билан айрим колхозчиларнинг меҳнат кунини қирқиб ташлаган. Партия ташкилотининг йиғилишида унинг бу хатолари тўла очиб ташланди. Сўзга чиққан колхоз боғ агрономи Халил Мавлонов, юқори ҳосилли бригада бошлиғи Сафар Салоев, олдин колхозчилардан Абдураҳмон Иноятов, Олим Наврўзов ўртоқлар Ғани Сатторовнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралади. Бригада бошлиғи ўз қилмишлари умумий ишга зарар келтираётганини тўла ҳис қилиб, хатоларига иқрор бўлди. Бундан буён механизаторларга одил муносабатда бўлиш, дала ишларида йўл қўйилган нуқсонларини тез кун ичида бартараф қилишга ваъда берди. Ғани Сатторовнинг сўзларини эътиборга олиб, партия йиғилиши уни ўз вазифасида қолдирди ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш чораларини белгилади. Орадан бир неча кун ўтгач бир группа коммунистлар Ғани Сатторов бошлиқ бригада даласига бориб, у ердаги ишлар билан қизиқдилар. Колхозчилар билан суҳбат қилдилар. Маълум бўлишича, бригадада ҳосилга-ҳосил қўшиш, пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ишлари авж олдирилган. Бригадирга нисбатан колхозчиларда меҳр-муҳаббат уйғонган. Ҳозир бу ерда ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда. Демак, партия йиғилиши ижобий, тарбиявий роль ўйнади. Эндиликда бригада бошлиғи кишиларга, кишилар эса унга суяниб иш юритадиган бўлиб қолишди.

Партия йиғилишлари ўз вақтида ўтказиб турилади. Унда биз колхоз ҳаёти, партия ташкилоти фаолиятининг энг муҳим томонларини ишчанлик билан муҳокама қиламиз, қарорларнинг ижроси учун курашамиз. Лекин йиғилишда қандай масала кўрилмасин, эътиборимизда даставвал одамлар, уларнинг турмуши, меҳнати туради. «Оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олиш қизиб кетган ҳозирги кунларда колхозимиз коммунистлари оммага бош бўлиб, ибрат меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатишмоқда. Бюро мажлиси, партия йиғилишларида йиғим-терим, кишилар тарбиясига оид масалаларни муҳокама этмоқдамиз.

З. ШАРИПОВ,
Бухоро районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

Пахта далаларида

БУХОРО. Абдулла Кўкламов бошлиқ бригада пахтакорлари 135 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планини Ромитан районидаги Свердлов номли колхозда биринчи бўлиб бажарган эди. Бригада аъзолари шу кунларда ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

С. Қодиров.

●

ФАРҒОНА. Охунбобоев районидаги «Москва» колхозининг ҳиммати баланд қарияларидан 50 киши пахта йиғим-теримида қатнашмоқда. Ҳ. Юсупов, С. Тошбоев, М. Абдуллаев каби стахонлар кунига 3л хирмонига 60-70 килограммдан пахта тўкаётирлар.

М. Тошбоев.

●

ҚҚАССР. «Кенес» совхозининг пахтакорлари пахта тайёрлашда Чимбой районида олдинда бормоқда. Совхозининг А. Сифатдинов, Г. Салмонбоева, Г. Тожитдинова сингари ўнлаб чевар теримчилари кунига 180-200 килограммдан «оқ олтин» тўкиб, кўпчилик хурматига сазовор бўлмоқдалар.

О. Токимбетов.

●

СУРХОНДАРЁ. А. Ёқубов, А. Эшмирзаев, З. Саидов каби «зангори кема» капитанлари бункерлардан кунига 3,5-4 тонна пахта тўкиб, Шўрчи районидаги Энгельс номли колхозда юқори кўрсаткичга эришаётирлар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача колхоз хирмонига 90-100 тоннадан пахта тўкди.

Ж. Ашуров.

СЪЕЗД ШАРАФИГА

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари КПССнинг навбатдаги XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Улар ҳозиргина ўзидаёқ давлатга 3400 тоннадан ортиқ пахта топширдилар ва йиллик планни ўтган йилдагидан анча илгари адо этдилар.

Колхоз пахтакорлари яна 1500 тонна пахта тайёрлаш ҳақида ваъда беришди.

* * *

Ғиждувон районидан хушхабар келди. «Гулистон» таянч-намуна хўжалигининг пахтакорлари 1200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнердан пахта топшириб, йиллик планни муваффақиятли адо этдилар.

Колхоз аъзолари партиямиз съезди шарафига давлатга яна 500 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

ЎРТОҚ У. Норбекова Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг чевар теримчиларидан бири. У ҳар куни хирмонга 200 килограмм ва ундан ошириб пахта тўкаётир. Суратда: ўртоқ У. Норбекова.

Қ. Тошпўлатов фотоси.



ЗАФАР САТРЛАРИ

Сурхондарё областидаги йирик пахтакор хўжалик — «Сурхон» совхозининг коллективи маррага етди. 3 минг 355 гектар майдондан давлатга 9000 тоннадан зиёд «оқ олтин» сотилди. Ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидаёқ 27 центнердан пахта териб олинди. Совхоз механизаторлари «зангори кема»лар бункеридан 3000 тоннадан зиёд пахта тўкишди.

Совхоз пахтакорлари она-Ватанга пландан ташқари тағин 2000 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олишга қарор қилдилар.

●

ШЎРЧИ, (Совет Ўзбекистони мухбиридан). «Оқ олтин» колхозининг деҳқонлари гектаридан 31 центнердан хирмон кўтардилар. Машина терими плани ҳам ошириб адо этилди. «Зангори кема»ларда пландаги 650 ўрнига 800 тоннага яқин пахта терилди. Колхоз етказиб берган 2800 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Колхоз аъзолари Улуғ Октябрь байрамигача барча ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш учун курашяптилар.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Бу ерни «Олимлар шаҳарчаси» дейишганча бор. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника институти... Бир ёнда энергетика ва автоматика институти, иккинчи ёнда ўсимликлар биологияси институти... Ҳар бир илмий ходим бирон изланиш билан, фанга ўз ҳиссасини қўшиш, янгилик топиш иштиёқи билан ёнади.

Салима ёшлигиданоқ гўзал табиатнинг ошиғи эди. Унинг бу одатини сезган меҳрибон онажони ҳам, аниз ўқитувчилари ҳам «Сен биолог ёки агроном бўласан» дейишарди. У ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Ленинграддаги биология институтига ўқишга кирди. Ўзини кўпдан бери қизиқтириб келган саволларига худди шу ерда жавоб олди. Унинг қобилиятини, биологияга бўлган сўнмас иштиёқини сезган ўқитувчилари институтнинг тўла жиҳозланган лабораториясида қўшимча машғулотлар ўтказишга имкон беришди.

Ўзбек қизининг биологияга бўлган меҳрини яхши англаган СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, машҳур биолог Н. А. Красильников Салиманинг илмий ишига раҳбарлик қилди. Микробиология биологиянинг энг ёш, лекин нелажаги порлоқ соҳаси. Салима биологиянинг ана шу кам ўрганилган соҳасига қўл урди, уни ўрганишга аҳд қилди. 1959 йили эрта баҳор кезлари Москва микробиология институтининг илмий кенгаши номига кўплаб қутлов телеграммалари келди. Салима Асқаровани биология фанлари кандидати бўлгани билан самимий табриклашди. Олима ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника институтининг микробиология бўлимига бошчилик қилади. Институтда унинг Санобар Ҳожибоева, Офтобхон Абдуллаева каби ўнлаб шогирдлари бор.

— Мен бу ерга ишга келганимда микробиология бўлимида фақат биттагина лаборатория бор эди, — дейди Салима Асқарова. — Ҳозир уларнинг сони еттитага етди. Бўлимнинг ишини жонлантиришда, кадрлар тайёрлашда ҳамкасб дугонам Ревека Яновлевна Ноффе менга яқиндан ҳамроҳ бўлди.

Салима опа бўлимнинг антибиотиклар лабораториясига ҳам раҳбарлик қилади. Лабораториянинг асосий вазифаси вилт касаллигини ўрганиб чиқиб, унга қарши кураш олиб боришдир. Вилт микроби тупроқда яшайди. Шунинг учун улар ишни аввало тупроқдаги микроорганизмларнинг бирбирига таъсирини ўрганишдан бошладилар. Лабораториядаги изланишларга химиклар ҳам ёрдамга келишди. Дорилар тупроққа сепиб кўрилди, лекин натижа кутилганидагидек бўлмади. Чунки сепилган дори касаллик микроби билан бирга бошқа фойдали микроорганизмларни ҳам ўлдириб юборди. Кейин улар зарарлисини ўлдириб, фойдалисини сақлаб қоладиган антибиотик қидиришди.

— Топилди! — деди олима. — Изланганга толе ёр деганларидек, — биз ҳам изландик, шундай моддани узоқ изладик. Лаборатория, дала тажрибаси шуни кўрсатдики, кобальт моддаси тупроқдаги вилтни ҳам, ғўзадагисини ҳам йўқотди. Лекин уни ҳам меъёрда солиш керак. Лаборатория ходимлари Қўқондаги Жданов номли совхозда тажриба олиб боришди. 0,1 процентли кобальт касаллигини кескин камайтириб, ҳосилдорликни 17-19 процентга оширди. Ғўза 5-7 кун эрта очилди.

Салима Асқарова лабораторияда илмий тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга етук микробиолог кадрлар ҳам тайёрламоқда. У Москва, Ленинград, Киев шаҳрида бўлди ва у ердаги мутахассис олимлар билан микробиологиянинг келажаги ҳақида суҳбатлашди, фикрлашди, уларга аспирантлар юбориб турди. Ҳозир ҳам лаборатория аъзоларидан Р. Раҳмабов билан Э. Тўхтамуродовлар Москвада тажриба ишлари олиб боришяпти.

Дилором Аҳмедова лабораториянинг энг кенжа аъзоси. У нечагина В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг биология факультетини тугатган. Дилором ҳам Салима опанинг шогирди.

Ўзингиз ҳақингизда нима дейсиз,— деган саволимизга Салима опа камтарлик билан — илмнинг поёни йўқ, мен ҳам илмий тадқиқот ишларимни давом эттираман, деди.

Изланувчан олималаримизга бахт ёр бўлсин.

К. ШУКУРОВА.

КОМПАСИ

йил) Пленумларининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш ва мамлакатнинг хўжалик тараққиёти ва халқ хўжалиги айрим тармоқларини ривожлантиришда юз бериши мумкин бўлган диспропорцияларга ҳамда тараққиёт суръатларининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, илмий жиҳатдан асосланган планлар тузилишини, планларнинг бир меъёрда бажарилишини, меҳнат унумдорлигининг оширилишини таъминлаш, моддий ва пул маблағларини сарфлашда иқтисодий режимга риоя қилиш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигига эришиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва ишлаб чиқаришни меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги асосида ташкил этиш ва шу кабилар ана шунга боғлиқ.

Раҳбарлар масаланинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий томонини ҳисобга олаётган жойларнинг ҳаммасида муваффақият дурст таъмин этиляпти. Мисол учун Тошкент областининг Оққўрғон районини кўрсатиш мумкин. Бу районнинг колхоз ва совхозлари мана уч йилдирки, фақат планларинигина эмас, балки шу билан бирга давлат олдида олган мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Хўжаликлар фаолиятини юксалтиришга ёрдам берган асосий омил шу бўлдики, бу ерда хўжаликни рационал суратда юритишни таъминлаш билан бирга, экономика масалалари билан яқиндан шуғуллана бошладилар. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Хўжалик ҳисоби фойда, рентабеллик, нарх-наво, кредит, молия сингари иқтисодий категориялар, хўжалик раҳбарларининг бутун диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ана шу иқтисодий категориялар назар-писанд қилинмаётган жойларда эса корхоналар ёки хўжалик тармоқлари шак-шубҳасиз, баъзи бир қийинчиликларга дуч келмоқдалар, оқибатда уларнинг планларини бажармасликлари, сифат кўрсаткичлардан четга чиқишлари, штурмчилик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши турган гап. Меҳнат ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш барча мавжуд резервлардан кенг фойдаланишга, таъминот ва маҳсулот сотишни тўғри ташкил этишга, ускуналардан рационал фойдаланишга, иш вақтини, хом ашё ва материалларни тежашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, асосий ва оборот фондларидан самарали фойдаланишга ва шу кабиларга қандай воситалар кўпроқ имкон беражагини чуқур таҳлил қилишга асосланади.

В. И. Ленин «давлатнинг бутун иқтисодий механизмини бирлашган катта машинага, юз миллионларча кишиларни бир план билан ишлайдиган қилувчи бир хўжалик организмига айлантириш»ни назарда тутган ва у давлатни планли ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ҳамда тақсимот ишида бир хил нормаларга риоя қилишни талаб қилган эди. Ана шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети ва унинг Пленумлари ишлаб чиқаришни шу тахлитда ташкил этиш зарурлигини яна бир марта қатъиян таъкидладики, бундай шароитда объектив иқтисодий қонунларнинг талаблари ҳисобга олинадиган бўлсин ва ижтимоий ишлаб чиқариш суръатларининг тўхтовсиз юксалиши меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлиги ленинча принципларига риоя қилингани ҳолда таъмин этилсин. Шу билан бирга Марказий Комитетимиз ва унинг Пленумлари корхоналарнинг ишини бутун чоралар билан яхшилаш, иқтисодий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга, халқ хўжалигини ривожлантириш планларининг талабларига яқинлаштириш ва айни вақтда ана шу тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифасини қўймоқдалар. Бу вазифани бажармоқ учун иқтисодий хизматнинг ролини бутун чоралар билан ошириш, хўжалик тармоқлари ва айрим корхоналарни малакали иқтисодий кадрлар билан таъминлаш, раҳбар кадрларнинг иқтисодий малакасини ошириш даркор.

Ҳозирги вақтда барча корхоналарда бош ва старший экономистлар лавозимларини жорий қилиш, ҳамма колхозларда экономистлар лавозимлари бўлишига эришиш ҳамда иқтисодий кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва кенгайтиришга лозим даражада эътибор берилишини таъминлаш ғоят зарур бўлиб қолдики, КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Советининг VI сессияси ана шу масалага эътиборни жалб этди.

Манфаатдор идоралар, министрликлар, шунингдек республика Госпланининг айби билан бизнинг республикамизда ҳозиргача халқ хўжалигининг иқтисодий кадрларга бўлган эҳтиёжини тегишли даражада планлаштириш ташкил этилгани йўқ. Республикада экономист кадрлар тайёрловчи иккита олий ўқув юрти бор: Тошкент халқ хўжалиги институти 13 мутахассислик бўйича экономистлар тайёрлайди ва Самарқанддаги кооператив савдоси институти матлубот кооперацияси кадрлари етиштиради. Бундан ташқари, Тошкент Қишлоқ хўжалик институтида экономист-агрономлар ва бухгалтерлар тайёрлаш, Тошкент Тўқимачилик институтида тўқимачилик саноатига экономист-инженерлар тайёрлаш, ташкил этилган. Бироқ, ана шу олий ўқув юртларининг ҳаммасида студентларнинг контингенти жуда чекланган бўлиб, халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига жавоб беролмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига кадрлар тайёрлаш ҳам шундай аҳволда. Баъзи колхозларда иқтисодчи мутахассислардан кўпинча мақсадга мувофиқ фойдаланилмади, анчайин ҳолларда эса бош бухгалтерлар ва экономистларнинг лавозимларида махсус тайёргарлиги бўлмаган кишилардан фойдаланилди. Шунинг учун ҳам экономист кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, иқтисодий олий ўқув юртлари ва факультетларининг эҳтиёжларига, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш ва шу тариқа иқтисодий олий ўқув юртларининг фаолиятини кучайтириш ҳамда экономист кадрлар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиш жуда ҳам зарур бўлиб қолди.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида раҳбар кадрларнинг иқтисодий малакасини ошириш соҳасидаги тадбирларни кенг доирада ишлаб чиқиш ҳам зарур бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда бухгалтерлар ва экономистларнинг малакасини ошириш юзасидан курслар орқали амалга оширилаётган тадбирлар шу кунинг талабларига жавоб бера олмайди. Эндиликда ходимларнинг малакасини ошириш учун уларни иқтисодий олий ўқув юртлари ёки факультетлари ҳузурида ташкил этилаётган малакани ошириш махсус институтларида ўқитиш ёки шу мақсадда олий ўқув юртлари ҳузурида 1-2 йиллик махсус факультетлар ташкил этиш зарурлиги, афтидан, етилган масала бўлса керак. Шундай қилинганда практик ходимлар иқтисодий информация олиш, ишлаб чиқаришда ишловчи экономистлар эса ҳозирги замон талабларини ҳисобга олиб, ўз малакаларини асосли суратда ошириш имкониятига эга бўладилар, яъни иқтисодий ишда математикани қўллай оладилар, ҳисобловчи машиналардан фойдалана биладилар.

Иқтисодий билим масалалари кун сайин диққат-эътибор беришни талаб этмоқда. Шунга амал қилиш керакки, иқтисодий билимлар хўжаликни бошқаришнинг компаси бўлиб хизмат қилсин, эндиликда бу компас бўлмаса хўжаликка раҳбарлик қилиб бўлмайди ва бу талаб КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь (1965 йил) Пленумларининг қарорларидан бевосита келиб чиқади. Зотан бу қарорлар совет халқининг моддий фаровонлигини ва мамлакат экономикасини янада юксалтиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

М. ҚОРИЕВ,
профессор, Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори.

РЕПОРТАЖ

ФАБРИКА КОЛХОЗГА КЕЛДИ

Фабрика колхозга келди десак, бу сўзга асло ишонмайсиз, таажжубланасиз. Қанақа фабрика, фабрика колхозда нима қилиб юрибди, дейсиз албатта. Мана, эшитинг ҳикоя қиламиз.

«Октябрь» колхозининг меҳнаткашлари богдорчилик, полиз, сабзавотчилик билан донг чиқарган ҳақиқий миришкорлар экан. Биз ана шу меҳнатсевар деҳқонлар ҳузуридамиз.

Колхозда бир тантана борга ўхшайди. Ҳамма ясанган-тусанган. Клуб ва дала шийпонларида радио овози эшитиляпти.

— Ҳар куни кеч киришн билан колхоз ҳонадонлари, клуб ва шийпонларида, ҳар бир богда, полизда ана шундай хурсандчилик, тантана, — дейди раис С. Қорабоев. — Меҳнат қилгандан кейин шундай дам олмасак ҳам бўлмайди-да.

Либосимиз янгиси, дўстимиз эскиси яхши, деган мақол бор халқимизда. Бу бежиз айтилмаган экан. Колхозимиз меҳнаткаш халқига либос шундай ярашибдики, ҳавасинг келади қараб.

— Бу кийим-кечаклар сельмагда сотиляптими, — сўрадик қизиқиб.

— Сельмагда ҳам сотилади, лекин бизга фабриканинг ўзи келиб тикиб беради, — жавоб қилди боғбон Мирзакарим ака.

Ҳа, бу колхозга Тошкентдаги Ленин номли фабрикага қарашли 3-модалар ателъесининг қўли гул чеварлари келиб хизмат қилар экан. Бичиқчи, тикувчи, дазмолчи — қўйингчи ателъенинг ҳамма ҳунар эгалари дала шийпонларига бориб, колхозчилар билан танишадилар, кимга қандай ранг материал ярашиши ҳақида ўзлари билан маслаҳатлашадилар. Колхозчилар истаган материалларини шу ерда саралаб олиб, кийим буюрадилар. Шундан кейин бичиқчилар ишга тушиб кетади. Колхозчиларнинг: «Бизга кийимни фабрика тикиб беради» деб мақтанишларига сабаб шу экан.

Идора олдига «Москвич» машинаси келиб тўхтади.

— Ана ҳалиги айтган ателье ҳунармандлари келди, — деди раис ва бизни улар билан таништирди.

Шу вақт иккинчи машина ҳам етиб келди. Бу машинага турли-туман материаллар, шуниигдек, тайёр костюм ва пальтолар юкланган эди.

Евгений Максимовични қизлар ўраб олишди.

— Бизнинг пальтоларимиз тайёр бўлдими отахон? Колхознинг илгор сут соғувчилари Ася Сайфулина, Маъфура Каримованинг сўроқларига Евгений Максимович табассум билан жавоб берди:

— Тайёр, қизлар, ҳаммаси тайёр.

Евгений Максимович пальто, костюмларни ўз эгаларига топширар экан, — қани кийиб кўринглар-чи, — деди. Ярашибди, суюрсин.

Калинин районидаги «Октябрь» колхози аъзоларининг илтимоси билан колхоз правлениеси Тошкентдаги Лохутий кўчасига жойлашган Ленин номли фабрикага қарашли 3-модалар ателъесида колхозчилар учун кийим-кечак тиктиряпти. Модалар ателъесининг чеварлари колхозчиларнинг бу таклифини бажонидил қабул қилиб, чин кўнгилдан хизмат қилаётирлар.

Ателье ҳунармандлари Калинин районидаги «Октябрь», «Ленинизм», Свердлов номли, «XIX партия съезди» каби колхоз аъзоларидан 700 кишидан буюртма қабул қилиб, ўз вақтида тайёрлаб бердилар.

Р. ИСҲОҚОВ.





СУРАТЛАРДА: тикувчилардан Оз ода Нуъмонова ва Саломат Охунбобоева (юқорида) қишки пальто тикмоқдалар. Иккинчи суратда бичиқчи Стариков Евгений Максимович «Октябрь» колхози аъзоларига уларнинг заказларини топширмоқда.

А. Тўраев фотолари.

Дунё мамлакатларда

ЧИЛИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИДА

САНТЬЯГО, 12 октябрь. ТАСС мухбири Н. Чигирь хабар беради:

Бу ерда Чили Компартиясининг XIII съезди давом этмоқда. Мамлакатнинг турли вилоятларидаги коммунистлар ташкилотларининг вакиллари бўлган съезд делегатлари ўз нутқларида партиянинг съездга қилинган ҳисобот докладида баён этилган сиёсий йўлини маъқуллашмоқдалар. Компартия Марказий Комитетининг бош секретари Луис Корвалан ҳисобот доклади қилди. Нотиқлар Чили меҳнаткашлари ўзларининг энг муҳим ҳуқуқлари учун қандай кураш олиб бораётганлиги тўғрисида гапирмоқдалар. Чили коммунистлари олдида турган вазифаларни таҳлил этмоқдалар.

КПСС делегациясининг бошлиги, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. П. Кириленко съезд қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади. А. П. Кириленко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва барча совет коммунистлари номидан Чили Компартиясининг XIII съездига қардошларча қизғин салом топширди ва съезднинг ишларига чин кўнгилдан муваффақият тилади.

— Чили Компартияси, — деб таъкидлади А. П. Кириленко, — пролетариатнинг, деҳқонларнинг ва аҳоли бошқа қатламларининг ҳаётий манфаатлари учун курашни ҳеч қачон тўхтатмади. Чили Компартияси илмий социализмнинг улуғ таълимотини ўз мамлакатининг шароитларига мувофиқ ижодий тарзда татбиқ этишга изчиллик билан интилиб келди. Бунинг натижасида партия Чили ишчилар синфининг жанговар марксчи-ленинчи авангардига айланди, халқ оммаси билан маҳкам алоқа боғлаб, мамлакатдаги энг йирик сиёсий кучларнинг бири бўлиб қолди.

Кейинги вақтларда халқаро майдонда рўй берган воқеалар, — деди КПСС делегациясининг бошлиғи, — жаҳондаги коммунистларнинг интернационал бирлиги ҳозирги вақтдагидек ҳеч қачон замоннинг ғоят кучли талаби бўлмаганлигини ёркин исбот этади.

А. П. Кириленко Шимолий Америка империализми бошчилигидаги жаҳон реакциясининг жаҳондаги революцион процесс тараққиётини тўхтатиш, социализм ва тараққиёт кучларини йўлига тов солиш, халқларнинг озодлик ҳаракатини уришларини қоралади.

АҚШнинг Латин Америкасига нисбатан сиёсатида интервенциячилик тенденцияларни кучайиб бораётганлигини таъкидлаб, КПСС делегациясининг бошлиги бундай деди: совет кишилари эркин ҳаёт йўлини қидириб топаётган халқлар олдида турган проблемаларни яхши тушунадилар ва ажнабийларнинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашувига кескин суратда қарши чиқадилар. Империалистларнинг агрессив кирдикорлари натижасида халқаро кескинлик тобора авж олаётган бир шароитда, деб сўзини давом эттирди А. П. Кириленко, Совет Иттифоқи умумий тинчлик ишини, халқларнинг суверенитети ва мустақиллигидан иборат муқаддас ҳуқуқини изчиллик билан қатъий ҳимоя қилишни ўзининг интернационал бурчи деб билади.

Бизнинг мамлакатимиз жаҳондаги барча халқлар ва мамлакатлар ўртасида ҳуқуқий жиҳатдан тенг, дўстона муносабатлар ўрнатиш учун, Чили Республикаси билан муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳамиша курашиб келди ва курашмоқда.

Сўнгра А. П. Кириленко айтдики, КПСС Жаҳон коммунистик ҳаракатини мустаҳкамлаш учун куч-ғайратини ҳеч қачон аямади ва аямайди. КПСС марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида, 1957 йил Декларацияси ва 1960 йил Баёноти асосида коммунистик ва ишчи партияларнинг жипслигига эришиш учун, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини жипслаштириш учун сўзда эмас, балки амалда изчил кураш олиб боришни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди.

А. П. Кириленко ўз нутқида Совет Иттифоқининг экономикани ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларига тўхталиб ўтди.

КПСС делегациясининг бошлиги ўз сўзининг охирида айтдики, жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракатининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг характерли хусусиятларидан биридир. Чили Компартияси ўз Марказий Комитетининг раҳбарлигида, деди А. П. Кириленко, меҳнаткаш халқ иши учун, тинчлик, озодлик ва социализм учун курашувчилар сафида дадил олға бормоқда.

Шундан кейин А. П. Кириленко КПСС Марказий Комитетининг Чили Компартияси XIII съездига табрикномасини ўқиб берди.

Съезд делегатлари бу табрикномани давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

А. П. Кириленко Чили коммунистларига космосни забт этиш шарафига Москвада ўрнатилган монументнинг макетини тухфа қилди.

Чили коммунистларининг съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

ЖАНУБИЙ РОДЕЗИЯГА ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛСИН

НЬЮ-ЙОРК, 12 октябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг васийлик масалалари билан шуғулланувчи комитети Жанубий Родезия ҳукумати озчиликдан иборат оқ танлилар ҳокимиятини мустаҳкамлаб қолиш мақсадида Жанубий Родезияни ўзбошимчалик билан дарҳол мустақил деб эълон қилиш ҳақидаги дагдагаларни ҳамон давом эттираётганини алоҳида ташвиш билан қайд қилиб ўтди.

Комитет Гвинея резолюциясининг лойиҳасини қабул қилди. Резолюцияда бундай дейилади: озчиликнинг анъ шундай ҳокимиятини ўрнатиш — БМТ Уставида эълон қилинган халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципларига хилоф иш бўлган бўлур эди.

Комитет Англияга ва БМТ аъзоси бўлган бошқа барча давлатларга Жанубий Родезия ўзбошимчалик билан мустақил деб эълон қилинишини ва шунинг натижасида тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳокимият органларини танимасликни таклиф этди.

Комитет Англияга мурожаат этиб, ўзбошимчалик билан мустақиллик эълон қилинишига йўл қўймаслик учун иложи бўлган ҳамма чоралардан фойдаланишни талаб қилди.

Комитет Жанубий Родезия масаласини Ассамблеянинг XX сессиясида кўриб чиқишни давом эттиришга ҳам қарор қилди.

НАМОЙИШЛАР... ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР... ТИНТУВЛАР...

ҚОҲИРА. Адандаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Бу ерга келаётган маълумотларга қараганда, Адан полициясининг инглиз мустамлакачи қўшинлари бўлинмаларининг биргаликда 11 октябрда ўқувчиларнинг намойишларига қарши қўздан ёш оқизувчи газ солинган бомбаларни беш марта ишлатган. Намойишчилар Аданга мустақиллик берилсин, деган талабларни қувватлаб чиқмоқдалар.

Полиция миллий озодлик фронтининг биноларида ва намойишларни уюштирди, деб гумон қилинган кишиларнинг уйларида қамоққа олиш ва тинтув ўтказишни давом эттирмоқда. (ТАСС).

«ДЕНГИЗ ДАРБАДАРЛАРИ» МАМЛАКАТИ

Бош ассамблеянинг ҳозир давом этаётган XX сессияси янги суверен давлат — Мальдив оролларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилди. Осиёнинг сиёсий картасида Мальдив мустақил мамлакат сифатида шу йилнинг 26 июлида пайдо бўлди. Мальдив архипелаги Ҳинд океанининг экваториал сувларида, Цейлондан 417 миля жануби-гарбда жойлашган. Бу ердаги деярли 2 минг майда ороллардан фақат 300 тасидагина одам яшайди. Аҳолининг сони 100 минг кишига яқин.

Конституцияга мувофиқ, Мальдив оролларини султон бошқаради. У, мажлиснинг тавсиясига кўра, бош министрни тайинлайди. Бош министр эса министрлар кабинетининг аъзоларини тайинлайди. Бироқ бу ерда султонлик авлоддан-авлодга мерос қолмайди, балки сайлаб қўйилади.

Бу маълумотларнинг ҳаммасини мен ўзим Мальдивга келганимдан сўнггина билиб олдим. Чунки, бу оролларга ҳақидаги адабиётларда маълумотлар жуда оз ва бир-бирига қарама-қаршидир.

... Мальдивга эски кемада келдик. Бу кема Цейлон пойтахти Колонбодан чиққандан сўнг Мальдив оролларигача уч кун сузди. Ниҳоят Мале оролининг бухтасига кириб келдик. Шаҳарчанинг оппоқ уйлари, хурмо дарахтлари кўзга ташланди.

Таможна расмиятчилиги, медицина гувоҳномасини текширишдан сўнг, ниҳоят, паспортда «Мальдивга тушишга рухсат этилади» деган муҳр пайдо бўлди. Кема ёнига кичкина катер келди. Шу катерда биз қирғоққа етиб олдик. Бизни орол аҳолиси ҳурсандчилик билан кутиб олди, қандай етиб келганлигимизни, кемада қандай юк борлигини сўрашди. Биз олиб келган гуруч жуда асқотиб қолди. Чунки оролда гуруч запаси тугаб қолай деган экан. Мамлакатда гуруч ва қанд сотиб олиш учун карточка ўрнатилган.

Мальдив оролари аҳолисининг ҳаёти қуёшга қараб белгиланади. Уфқдан қуёш чиқиб келаётганда, эрталаб соат 6 да шаҳардаги энг катта мачитнинг муаззини минорага чиқиб, ҳаммани эрталабки намозга чорлайди. Мачит олдидаги қудуқ ёнида таҳорат қилиш учун сув тўлдирилган идишлар тақиллайди, балиқчилар қайиқларига қараб югуришадилар, султон саройи устида эса байроқ қилпирайди. Мальдив оролларида куп ана шундай бошланади.

Менга мальдивликлар чиннакам мусулмон кишилар. Мале оролининг ўзидагина 35 та мачит бор дейишди. Бироқ, оролда бўлган дастлабки кундаёқ бу гаплар тўғри эмаслигига қаноат ҳосил қилдим. Мальдивликлар диний маросимларни ўташни ҳаётининг асосий мақсади деб билмайдилар. Улар алақачондан бўёноқ худонинг марҳаматига қараб ўтирмайдиган бўлиб қолганлар. Айрим диндорлар балиқчилар ўз тўрларини мачит олдидаги майдонда қуритишларидан газабланишлари мумкин. Лекин балиқчилар ўз оилалари ҳаёти, ўз меҳнатларига, шу тўрлари, қайиқлари ва элканлари бутунлигига боғлиқ эканлигини яхши биладилар.

Мамлакат экспортининг 95 процентдан кўпроқ қисмини тузланган балиқ ташкил этади. Бу балиқ асосан Цейлонга юборилади. Оролда тупроқ унумсиз бўлиб, дарё ва кўллар йўқлиги сабабли деҳқончилик қилиб бўлмайди. Фақат хурмо дарахтларигина ер танламайди. Йил бўйи ҳосил беради ва у орол аҳолиси учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Бунинг эвазига оролнинг стратегик аҳволи жуда қулайдир. Инглиз мустамлакачилари учун бир вақтлар Мальдив оролларининг нима учун керак бўлиб қолганлиги сабаби ҳам унинг қулай стратегик аҳволидир.

1956 йилда Англия Катунаякадаги ҳарбий ҳаво базаси ва Триикомали (Цейлон)даги ҳарбий денгиз базасидан ажраб қолгандан сўнг Мальдив оролларининг аҳамияти янада ортди. Лондон ана шу районда агрессиянинг бошқа таянчларини қидира бошлади. Ўша кунларда инглиз журнали «Эйрлэйнз» шундай деб ёзган эди: «Биз Ҳинд океанида қўшимча базалар бўлишига жуда муҳтожмиз ва бундай базалар йўқишни дархол бошлаб юборишимиз лозим».

Чиндан ҳам, архипелагнинг энг жанубидаги Ган оролида шошилинч равишда ҳарбий иншоотлар қурила бошланди.

Мальдивликлар илгари бошқа давлатлар билан ўз ихтиёрлари бўйича ташқи сиёсий алоқа ўрната олмас эдилар, аслида улар ҳукуксиз эдилар. Бироқ, 1957 йил охирларида мальдив халқи инглизлар билан битим тузган ўша вақтдаги бош министр сиёсатига кескин қарши чиқди. Мустамлакачиларга ён босувчи бош министр ишдан четлаштирилди.

Тез орада мальдивликларнинг бошқа галаёнлари бошланди. Шаҳсан мен ўзим балиқчиларнинг Англия вакили резиденцияси жойлашган орол олдида қайиқларда оммавий намойиш ўтказганликларини кўрганман. Газабланган мальдивликлар оролларга мустақиллик берилишини талаб қилганлар.

1965 йил 26 июлда Коломбода Мальдив оролларн ҳукумати билан Англия ўртасида битим тузилди. Бу битимга мувофиқ мальдив халқи мустақил ташқи сиёсат ўтказиш ва бошқа мамлакатлар билан ташқи сиёсий муносабатларни ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлди. Бу битимни Мальдив ҳукумати номидан бош министр Иброҳим Носир ва Англия ҳукумати номидан Англиянинг Цейлондаги олий комиссари Майкл Уокер имзолаганлар.

... Кема борган сари юришни тезлата бошлади. Оролдар бирин-кетин орқада қола бошлади. Қўшиқда куйланишича, «ҳар бир эркак денгиз дарбадари, ҳар бир вёл тўлқинлар қизи» бўлган орол қуёш нурига чўмилярди. Лекин мен уларнинг ҳаммаси — эркаклар ҳам, аёллар ҳам эркасевар, олижаноб ва мағрур халқ эканлигини яхшироқ сездим. Шу сабабли Мальдив оролларининг хотирамда уфқдан бош кўтараётган қуёш нурига чўмилган мамлакат каби қолди. Қуёшнинг чиқишини эса ҳеч ким тақиқлай олмайди.

В. КАССИС.
(АПН).
Мале — Москва.

РЕПОРТАЖ

ИШҚИБОЗЛАР

— Москванинг армия марказий спорт клуби составида узоқ вақт донг таратган Денисов ўтган йили майдонга кам чиққанлигини биласизми?

— Кам чиқса ҳам команда раҳбарлари унинг бронза медали билан мукофотланишига жон-жаҳдлари билан уринишган эди. Бу ҳам ёдингизда бўлса керак!

— Энди нима бўлди? Денисов ўтган йили ҳам, бу йил ҳам ичкиликка муккасидан кетганлиги учун командадан ҳайдалди.

Футбол ҳақидаги ўта янгиликларни билмоқчи бўлсангиз, ана шундай воқеалардан ўз вақтида хабар топишни истасангиз ишқибозлар клубига марҳамат қилинг. Бу клуб қаерда, ким раҳбарлик қилади, деган савол туғилиши, табиий.

Юқоридаги гап-сўзлар ҳали яхши уюшмаган, очиқроғи «ёввойи» клубда ҳар куни эрталабдан кечгача рўй бериб туради. Бу клуб Тошкентнинг қоқ ўртасида, қўғирчоқ театри енидаги боғда жойлашган. Клубда ишчини ва инженерни, муаллим ва ўқувчини, студент ва машинистни — хуллас ҳамма касб эгаларини учратишингиз мумкин.

Куни кеча шу ердан ўтиб қолдик. Ишқибозларнинг қизиққонлиги, куйиб-пишиши, бутун дунедаги футболнинг тақдири худди шуларнинг елкасида тургандай портлаб кетиши кишини ҳайратга солади. Гапга қулоқ солдик. Ёшлари 60 дан ошган, сочлари оқарган кекса бир ишқибоз куйиб-ёнмоқда:

— Эртага бўладиган учрашувда Биба қатнашмайди. У нотўғри хатти-ҳаракати учун сўнгги учрашувда майдондан чиқариб юборилди. Чап қанотдаги чақкон ва ҳаракатчан Хмельницкий терма командага составида Данияга учиб кетди. Сабочи? Сабо ҳам Лондон матчида қатнашиш учун нурашаётган даъвогарлар сафида. Шундай бўлгач, чемпионликка интилаётган киевлик спортчилар бўш ўйнайдилар.

Ёш бир йигитча гапга аралашди:

— Киевнинг «Динамо» командаси «Пахтакор»га ўхшаб резервга муҳтож эмас. Улар сафида ажойиб ўйинчилар бор. Шунинг учун гапингизга қўшилолмайман.

— Сен футбол ҳақида нимани биласан, — аччиғланди кекса ишқибоз. — Ахир, мен 1935 йилдан бери футбол ишқибозиман. Улар қаттиқ ўйнаса Красницкий қараб турмас, Абдурахимов кўл қовуштириб ўтирмас, Раҳматуллаев сизга раҳмат демас.

... Ишқибозлар клубида эрталабдан кечгача ана шундай гаплар. Юрий Севидовнинг ичкиликбозлик қилиб жиноятга қўл ургани, ёш, аммо анча тажрибага эга бўлган Яншевскийнинг унга шишадошлик қилганлигини ҳам шу ерда эшитдик.

— Олег Моторин ҳамда Станислав Стадник бир умр майдонга футболчи сифатида тушмаслиги ҳақида СССР футбол федерацияси президиуми қарор чиқарди!

Сумкасини қўлтиқлаб турган йигит шундай дейиши билан, гапни бошқа бир кишн илиб кетди.

— Посуэлачи, Рязановчи, Ларинчи, Трапновскийчи, Афонинчи, Холмогоровчи!

— Интизомсизлнкни учнига чиқарганлари учун буларга ҳам футбол майдони харом бўлди!

Ишқибозлар клубида нотўғри фикрлар, турли миш-мишлар ҳам тарқалиб туради. Уюшмаган жойда қовуштирса, ҳафтадами, ойдами, бир марта стадионда муҳокама учун жой ва вақт ажратилса, қандай яхши бўларди! Ана шу ерда ишқибозлар ҳам, мутахассислар ҳам футбол ҳақидаги фикрларини ўртага ташлашса, фикр алмашилинса, ҳамма хурсанд бўларди.

Бундан футбол ютарди, бундан Узбекистон футболи ютарди, бундан «Пахтакор» ютарди.

Шундай бўлса керак, деб ўйлаймиз!

В. МАҲКАМОВ.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳавонинг ўзгариб туриши, айрим жойларда ёғингарчилик бўлиши кутилади.

Республиканинг бошқа областларида булут кам бўлади, ёғингарчилик бўлмайди, шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб туради. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областнда кечаси ҳарорат 8-13 даража бўлди. Кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади. Республикамизнинг қолган областларида кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлиши кутилади. Жануб томонда ҳарорат 33-35 даражагача етади. Тошкентда булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди, шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб туради.

Кундузи ҳарорат 30-32 даража иссиқ бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО

14 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50 — Сўнгги ахборотлар. 6.15 — Концерт (ўзб.). 6.45 — Гимнастика (ўзб.). 7.35 — Эшиттиришлар программаси (ўзб., рус). 8.25 — Концерт (ўзб.). 9.15 — «Совет Узбекистони». 9.23 — «Правда Востока». 9.53 — «Ленин байроғи». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори. 9.30 — Фортепьяно пьесалари. 9.45 — Ашлар тарбияси — умумхалқ иши (тожк.). 10.10 — Колмановский қўшиқлари (рус.). 10.30 — Қўшиқлар (ўзб.). 11.10 — «Улуг Октябрь шарафига». Репортаж (ўзб.). 11.25 — Концерт. 13.00 — Чорвадорлар учун концерт (ўзб.). 13.40 — Эстрада қўшиқлари (рус.). 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.15 — Композитор Мутал Бурҳонов ижоди (ўзб.). 18.10 — Жаҳон халқлари куйлари. 18.30 — Концерт (ўзб.). 19.20 — Симфоник асарлари ва балет куйлари (тат.). 20.00 — «Совет кишиси — ижодкор». 20.10 — «Травиата» операсидан парчалар (рус.). 20.45 — «Коммунистларни марксизм-ленинизм идеялари билан қуроллантирайлик» (ўзб.). 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 22.00 — «Иван Сусанин» операси (Москва).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Қизил галстук** тележурнали. 18.55 — **Ер юлдузлари** (телефильм). 19.25 — КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари — амалда. **Илмий планлаштириш**, 19.45 — **Болгар шоири Иордан Милев**, 20.05 — **Концерт**. 20.43 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.05 **Реклама ва эълонлар**, 21.20 — **Осмон ва мусиқа** (суҳбатли концерт). 22.15 — **Жанпатда сўнгги тун** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудиясн эшиттиришлари**.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/X да **Флория Тоска**, 15/X да **Хоразм қўшиғи**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/X да **Қонли сароб**, 15/ да **Қутлуғ қон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРҚИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бурон — «ДРУЖБА» (1-зала), «МИР», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда).

Уртоқ Арсений — СОБИР РАХИМОВ номли, «НАВОИ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечкуруи), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 яримда).

Антёр — «ИСКРА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкуруи), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 1.5 ва кеч 9 яримда).

Уч мушкетёр — «ҚОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Кул ва олмос — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқуруи).

Севгилим — «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкуруи).

«Ы» операцияси ва Шуриннинг бошқа саргузаштлари — «ЮЛДУЗ» (кундуз ва кечқуруи).

Севадими-йўқми — НАВОИ номли (кундуз соат 5 да ўзбек тилида).

Жоду орол — СОБИР РАХИМОВ номли (эрталаб соат 10 да).

Гуттаперча бола — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 да бошланади)

Жаннатда нулги — «ФЕСТИВАЛЬ».

Махфий миссия — КАФАНОВ номли.

Уртоқ Арсений — «ХИВА».

Стратон қизи — «САЛЮТ».

Кул ва олмос — «ВАТАН».

Давлат жиноятчиси — «УДАРНИК».

Неаполнинг тўрт куни — ТЕЛЬМАН номли.

Давидбек — НАВОИЙ номли.

Уч мушкетёр — «ПАХТАКОР».

Пташкин қиссаси — ПУШКИН номли.

Телба — СТЕПАН РАЗИН номли.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
15, 16, 17 октябрда
КАТТА
концертлар

Концертда: Хоразм ашула ва рақс ансамбли, хор капелласи, Ўзбек халқ чолғу ансамблари, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Тоштемир Шарипов, Учқун Ғаниев** ва солистлар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.



ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ГАЗЕТА ва журналларга

1966 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Каталог ва прейскурантларда кўрсатилган ҳамма марказий, республика, область, шаҳар, район газеталарига ва журналларга обуна чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

1965 йил 27 октябрь кундуз соат 2 да, Узбекистон ССР Фанлар академияси химия-технология ва биология фанлари бўлимининг химия фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, химия институтлари қутубхонаси) қуйидагилар химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Ф. Қиёмиддинова: «Боратнапеае ва Легуминозае оиласига кирувчи баъзи ўсимликларининг алкалоидларини текшириш» деган темада.

С. Зайниддинов: «Сувда эрувчан (К-4 ва К-6) полимерларнинг олиниши, физик-химиявий текширилиши ва уларнинг дисперс системаларга таъсири» деган темада.

Диссертацияларнинг бирлан Фанлар академияси қутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

2-Малогоспитальний проезд, 8-уйда турувчи **Любовь Васильевна Алексееванинг** 1-Бехтерев кўчаси, 113-уй, 6-корпус, 84-квартирада турувчи Александр Александрович Алексеевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппарати ходимлари коллективи 1921 йилдан бери КПСС аъзоси, шахсий пенсионер, республика Олий Совети Президиумининг штатсиз консультанти

Елизавета Петровна НЕТЕСОВАнинг

шу йил 13 октябрда вафот этганлигини қайғу билан билдирадн ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
№ В. 241. ИНДЕКС 64543. Р. 10181.